

Муҳаммад ибн Али ибн УСМОН

**РИЗҚ-НАСИБА
БАРАКОТИНИНГ
КАЛИТИ**

Таржимон:

МУҲАММАДНАЗАР ҚАЮМОВ



Тошкент
2019

УЎК 28
КБК 86.38
М 96

Аллоҳ бировга қўпроқ, бошқасига озроқ – ҳамманинг ризқини аниқ белгилаб қўйган. Бировнинг ризқи адашиб бошқаникига бориб қолмайди. Бирор киши ризқини тўла олмагунича бу дунё билан видолашмайди ҳам. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло инсоннинг баъзи амалларини унинг ризқи кенгайиши ёки торайишига сабаб қилиб қўйган. Ушбу китобда ризқнинг кўпайишига, баракали бўлишига сабаб бўлувчи истиғфор, салавот, шукр, тақво, хайр-эҳсон каби амаллар батафсил баён қилинган. Китоб имонда, ахлоқда, фидокорликда намуна кўрсатиб, тарихда ўчмас из қолдирган саҳобалар, уларнинг кўнгил кечинмалари, ибратли ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асар ёшларимизнинг ҳаёт йўлларини ёритади, уларни тўғри йўлга бошлашда кўмак беради, деган умиддамиз.

Муҳаммад ибн Али ибн Усмон

Ризқ-насиба баракотининг калити [Матн] / Муҳаммад ибн Али ибн Усмон. – Тошкент: Movarounnahr, 2019. – 112 б.

Таржимон:
Муҳаммадназар Қаюмов

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 11 январдаги
214-сонли хулосаси асосида наширга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-520-9

© Муҳаммадназар Қаюмов
© «Movarounnahr», 2019

*Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан
бошлайман*

ИМОН БОБИ

Имон – баракали ризқнинг ва унга элтувчи воситанинг асосий калитидир. Имон сўзи луғатда “ишонч”, “тасдиқ қилиш” маъноларини билдиради. Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолонинг бирлигини ва Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг ҳақ пайғамбар эканини қалбан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлишдир. Аллоҳ таоло ояти карималарда барака ҳақида зикр этди. Жумладан, Аъроф сурасининг 96-оятида:

﴿ وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْقُرَىٰ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَاتٍ مِّنَ السَّمَاءِ
وَالْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا فَأَخَذْنَاهُم بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴾

«Агарда (мазкур) юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва Ердан баракотлар (эшиклари)ни очиб юборган бўлур эдик. Лекин (улар пайғамбарларни) ёлғончига чиқардилар. Натижада қилмишлари сабабли уларни (азобга) тутдик».

Юнус сурасининг 98-оятида:

﴿ فَلَوْلَا كَانَتْ قَرْيَةٌ ءَامَنَتْ فَنَفَعَهَا إِيمَانُهَا إِلَّا قَوْمَ يُونُسَ لَمَّا ءَامَنُوا
كَشَفْنَا عَنْهُمْ عَذَابَ الْخِزْيِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَتَّعْنَاهُمُ إِلَىٰ حِينٍ ﴾

«(Биз ҳалок қилган қишлоқлардан) бирор қишлоқ (аҳли) имон келтирганда эди, имони унга фойда берган (ва ҳалок бўлмаган) бўлур

эди. Илло, Юнус қавми (шундай қилди). **Имон келтиришгач, улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кетказдик ва уларни** (маълум) **вақтгача** (ҳаёт лаззатидан) **бахраманд қилдик»,** дея марҳамат қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадиси шарифларда имон маъносини ва мўминлик васфини баён қилдилар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоятида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Имон етмиш нечта шохдан иборатдир. Унинг энг афзали “Ла илаҳа иллаллоҳ” демоқ ва энг заифи йўлда ётган, озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё ҳам имоннинг бир бўлагидир», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Мазкур ҳадиси шарифда имоннинг етмиш нечта ҳам шохи бор дейиш, имонни етмишдан зиёд шохи бўлган дарахтга ўхшатишдир. Дарахтнинг асли имон, яъни имон Аллоҳ таолонинг бирлиги ва Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг ҳақ пайғамбар эканини қалб билан тасдиқлаб, тилда иқрор бўлиш бўлса, китоб ва суннатда Аллоҳ таоло ва Унинг Расули буюрган ишлар имоннинг шохларидир. Аллоҳ таоло ва Унинг Расули буюрган ишларни уламолар етмишдан ортиқ эканини айтишган. Ана шу ишларнинг ҳаммасида хайр ва барака бордир.

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لا يؤمن أحدكم حتى أكون أحب إليه من ولده ووالده والناس أجمعين (رواه البخاري ومسلم).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоятида: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Сизлардан бирортангизга ота-онасидан, бола-сидан ва одамларнинг ҳаммасидан маҳбуброқ бўлмагунимча, у комил мўмин бўла олмайди”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Комил имонга эга бўлиш учун ҳамма нарсадан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ва У зот келтирган динни устун билиши лозим. Мусулмонлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муҳаббатини устун тутганлари, у кишининг шариатига тўлиқ амал қилганлари учун дунёда ҳаммадан устун бўлиб яшадилар. Қачонки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муҳаббатидан молу дунёни, бола-чақани ва бошқа нарсаларни устун қўйганларида ҳаммадан орқада қолиб, инқирозга учрадилар.

Шунинг учун муҳаббат мавжуд бўлса, муҳаббат қўйилган кишига эргашиш юзага келади. Муҳаббат ва ихлос билан қилинган ишнинг савоби ва самараси ўз соҳибига етади.

Шунингдек, имони етук бўлиши учун жамиятда бирга яшаётган инсонларни яхши кўриб, меҳр-муҳаббат билан ҳаёт кечирishi керак бўлади.

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لا يؤمن أحدكم حتى يحب لأخيه ما يحب لنفسه (رواه مسلم).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоятида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсасини биродарига ҳам яхши кўрмагунимча комил мўмин бўла олмайди”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Комил имон инсонни солиҳ амаллар қилишга ундайди, ўзидан бошқаларга ҳам яхшилик қилишга

чақиради. Ўзи яхши кўрган нарсани бошқаларга раво кўрса ёки эҳсон қилса, ана шу вақтда хайру баракот бўлади.

СИЛАИ РАҲМ БОБИ

عن أنس رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَيْسُطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ أَوْ يَنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ (رواه البخاري ومسلم).

Ҳазрати Анас (розияллоҳу анҳу) ривоятида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ризқи кенг бўлишини ва орқасидан асари қолишини яхши кўрса, силаи раҳм қилсин”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Силаи раҳм – қариндошлар ўртасидаги алоқаларни боғлаш, борди-келди қилиш маъносида қўлланади. Мазкур ҳадиси шарифда силаи раҳм қилган, қариндош-уруғларга яхшилик, ёрдам ва хайр-саховат кўрсатган бандасининг ризқини Аллоҳ таоло кенгайтириб қўяди. Шу билан бирга, унинг вафотидан кейин ҳам изида яхши ном ва хотира қолади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الرَّحِمُ شَجَنَةٌ مِنَ الرَّحْمَنِ. فَقَالَ اللَّهُ: مَنْ وَصَلَكَ وَصَلْتَهُ وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتَهُ» (رواه البخاري).

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоятида «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Раҳм Раҳмоннинг исмидан олинган. Ким силаи раҳм билан боғланса, Аллоҳ таоло ҳам у билан боғланади. Ким

силаи раҳм алоқаларини узса, Аллоҳ таоло ҳам у билан орасини узади”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

وعن جبير بن مطعم رضي الله قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لا يدخل الجنة قاطع» (رواه البخاري ومسلم).

Жубайр ибн Мутъам (розияллоҳу анҳу) ривоятида: «Албатта, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Силаи раҳмни узувчи жаннатга кирмайди”, дедилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْخَلْقَ حَتَّى إِذَا فَرَعٌ مِنْ خَلْقِهِ، قَالَتِ الرَّحْمُ: هَذَا مَقَامُ الْعَائِدِ مِنَ الْقَطِيعَةِ؟ قَالَ: نَعَمْ، أَلَا تَرْضَيْنَ أَنْ أَصِلَ مَنْ وَصَلَكِ وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكِ؟ قَالَتْ: بَلَى يَا رَبِّ، قَالَ: فَذَلِكَ لَكَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اقْرَأُوا: { فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَارَهُمْ أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا } (رواه مسلم و احمد).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоятида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ махлуқотларни яратди. Бас, ундан фориг бўлганида раҳм: “Мана шу алоқани узадигандан паноҳ сўрагувчиларнинг тутадиган жойими?” – деди. Аллоҳ таоло: “Сени боғлайдиганни боғлаб, узадиганни узишимга рози бўласанми?” – деди.

Раҳм: “Ҳа, эй Раббим!”, деди. Аллоҳ: “Сен учун ана шундай!”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу оятларни тиловат қилдилар. «Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндошларингиз (билан алоқаларингиз)ни узасиз, албатта. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) “кар”, кўзларини “кўр” қилиб қўйгандир. Ахир, улар Куръон (оятлари) ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларда “қулфлари” бордир?!» (*Муҳаммад сураси, 22–24-оятлар*).

عن ابن عمر رضي الله عن رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال من اتقى و وصل رحمه نسيء له في عمره و ثري ماله و أحبه أهله (رواه البخاري).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоятида: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Раббисидан қўрқса (яъни амалларида тақво қилса) ва силаи раҳм қилса, унинг ажали орқага сурилади, моли кўпаяди ва аҳли уни яхши кўради”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Бу ҳадиси шарифда ҳам инсоннинг Раббисидан қўрқиб, Унинг буйруқларини бажарса ва буюрмаганларидан қайтса, ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида силаи раҳм қилса, умри зиёда бўлиб, ажали орқага сурилади, дейилмоқда. Албатта, унинг умри зиёда бўлиши ва ажали орқага сурилиши унинг умри ва жонига барака берилишидир. Силаи раҳм билан қариндошлар ўртасида меҳр-муҳаббат зиёда бўлади.

Барака ва меҳр-муҳаббатнинг пайдо бўлиши силаи раҳмнинг дунёдаги фойдасидир. Албатта, унинг охиратдаги савоби ва улкан мукофоти ҳам бордир.

Силаи раҳмнинг фойдаси инсоннинг дунё ва охиратида маълум бўлади. Дунёда ризқи кенгаяди, умри узаяди ва файзу баракага эришади. Охиратда эса улуғ мукофотларга эришади. Ким бу икки дунёни ирода қилса, силаи раҳми кўпайтирмоғи лозим.

АЛЛОҲГА ТАВАККУЛ ҚИЛИШ БОБИ

Таваккулнинг фазли ва таваккул қилиш тўғрисида оят ва ҳадислар кўп. Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларида мўминларни таваккулга буюради ва уларни таваккул қилувчилардир деб мақтайди. Қуйидаги ояти карима шулардан биридир.

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٣﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾ ﴾

«Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – дилларида қўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигоригагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа) эҳсон қиладиган ки-

шилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун Парвардигорлари хузурида даражалар ва фаровон ризқ (бордир)» (Анфол сураси, 2–4-оятлар).

“Таваккул” сўзи луғатда “ишни ўзгага топшириш”, “бошқага суяниш” ва “умид қилиш” каби маъноларни англатади. Таваккул қилувчи ўзининг ризқига ва ҳар бир ишига Аллоҳ таоло кафил эканини яхши билади. Шу сабабли Аллоҳ таолога суянади, Ундан бошқага таваккул қилмайди.

Дунё ва охират ишларидаги манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни даф этишда қалбнинг Яратганга ҳақиқий боғланишини таваккул деб аталади.

Демак, таваккул деганда банданинг Аллоҳ таолога тўлиқ суянишини тушунилади.

Таваккул қалбга хос тушунча бўлиб, тил билан сўзлашда, аъзолар билан ҳаракат қилишда таваккул қилишга ўрин йўқ. Дунё ишларини Аллоҳ таоло сабабларга боғлаб қўйган. Шу маънода ризқ тўғрисида таваккул қилиш деганда сабабларини амалга оширмасдан унинг қаердан келишини кутиб ўтириш эмас, балки унинг ҳосил бўлиш сабабларини юзага чиқариб, сўнгра уларга боғланган ризқнинг келишида Аллоҳга суянишни тушунилади. Масалан, деҳқон уруғни ўз вақтида ерга қадамасдан, экинга ишлов бермасдан мўл ҳосил олиш учун Аллоҳга таваккул қилдим, дейиши дуруст эмас, балки бу шариятни тушунмаслик ва унинг кўрсатмаларини бажармасликдир. Уруғни ўз вақтида ерга қадаш, экинни парвариш қилиш ва мўл ҳосил олишга сабаб қилиб қўйилган барча ишларни амалга ошириб, сўнгра ҳосил олишни

Аллоҳдан умид қилиш ва барака беришида Унга суюниш ҳақиқий таваккул бўлади.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ҳақиқий таваккулнинг қандай улуғ самаралари борлиги баён қилиниб, таваккул қилувчига Аллоҳ таолонинг Ўзи кифоя қилувчи экани ваъдаси берилган:

﴿ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ﴾

«...Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилур...» (Талоқ сураси, 3-оят).

Ҳадиси шарифда Аллоҳ таолога таваккул қилувчилар энг кучли инсон бўлиши тўғрисида:

عن ابن عباس أن رسول الله صلى الله عليه و سلم قال من أحب أن يكون قوی الناس فليتوكل على الله ومن أحب أن يكون أكرم الناس فليثق الله ومن أحب أن يكون أغنى الناس فليكن بما في يد الله أوثق منه بما في يديه (أبو نعيم في الحلية).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким инсонларнинг кучлироғи бўлишни яхши кўрса, Аллоҳга таваккул қилсин, ким инсонларнинг ҳурматлироғи бўлишни яхши кўрса, Аллоҳга тақво қилсин, ким инсонларнинг бой-бадавлатроғи бўлишни яхши кўрса, унинг учун ўзининг қўлидаги нарсадан кўра Аллоҳнинг бисотидаги нарса ишончлироқ бўлсин”» (Абу Нузайм ривояти, “Ҳиля”да келтирилган).

Мазкур маънолардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ризқ тўғрисида Аллоҳ таолога таваккул

қилиш деганда, “*ризқимга Аллоҳ таолонинг ўзи кафил*” деган тушунчада бўлиш ва унга суяниш тушунилади. Ушбу тушунча мусулмон кишининг умри ва ризқи баракали бўлишига, имони комил ва амали гўзал бўлишига сабаб бўлади.

Мусулмон киши барча ишларида Аллоҳ таолога суянгани боис қалби тинч, нафси хотиржам ва ҳаёти роҳатли бўлади. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолога таваккул қилишнинг самарасидир.

Аллоҳга таваккул қилиш жамият тараққиёти ва унинг тинч-тотувлиги учун муҳим омил ҳисобланади. Яъни, таваккул қилган инсон ўзгаларнинг молига кўз олайтирмайди, тама қилмайди, шариат ман қилган барча ҳаром ишлардан тийилади. Чунки у ризқ тўғрисида сабабларга эмас, балки сабабларни яратган Аллоҳ таолога суянгани учун адашмайди.

Мазкур маълумотлардан “Аллоҳга таваккул” деган тушунчада ризқ сабабларини юзага чиқаришдан тўхташ таваккул эмаслиги, балки сабабни келтирмасдан таваккул қилиш шаръан ҳаром саналган амал экани тушунилади.

Умар (розияллоҳу анҳу) “Аллоҳга таваккул” даъвоси билан намоздан сўнг масжидда ўтириб олган қавмни кўриб, уларга қамчи ўқталиб: «Ҳеч қачон бирортангиз, эй Аллоҳ, менга ризқ бер, деб ризқ излашдан тўхтаб ўтириб олмасин. Осмоннинг олтин ҳам, кумуш ҳам ёғдирмаслигини билади-ку! Аллоҳ таоло: **“Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан талаб қилинган!”** деган-ку», деди.

Хулоса қилиб айтганда, ризқнинг сабабларини излаш, натижа эса сабаблардан эмас, Аллоҳ

таоло томонидан эканига қалбан ишониш таваккулнинг ҳақиқий маъно ва моҳияти ҳисобланади.

ИСТИҒФОР БОБИ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ وَيَقَوْمٍ اَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا اِلَيْهِ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مَدْرَارًا وَيَزِدْكُمْ قُوَّةً اِلَى قُوَّتِكُمْ وَلَا تُلَوُّوا مُجْرِمِينَ ﴿٥٢﴾ ﴾

«Эй қавмим! Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда У осмондан (ёмғир) ёғдирар ва қувватингизга қувват қўшар. Жиноятчи бўлиб кетмангиз!» (Худ сураси, 52-оят).

﴿ فَقُلْتُ اَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ اِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مَدْرَارًا ﴿١١﴾ وَيُمِدُّكُمْ بِاَمْوَالٍ وَّبَنِينَ وَيَجْعَلْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ اَنْهَارًا ﴿١٢﴾ ﴾

«Бас, дедимки: “Раббингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўрангизлар, албатта, У ўта кечиримли Зотдир. Шунда У устиларингизга осмондан ёмғир ёғдирур. Сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (ато) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур”» (Нух сураси, 10–12-оятлар).

Истиғфор Аллоҳ таолодан афвни ва гуноҳларни кечиришини сўрашдир. Тавба ва истиғфор билан гуноҳ кечирилади, қалб юмшайди, ғам-ташвиш кетади ва одоб-ахлоқ яхши бўлади. Шу билан бирга

ҳар қачон тавба ва истиғфор зиёда бўлса, Аллоҳ таолонинг изни билан ризқда файз-барака ортади.

Истиғфорнинг шарти ниятни тўғри қилиш ва гўзал одоб-ахлоқлар билан хулқланишдир. Истиғфор чин ихлос ва ўтган гуноҳларидан тўлиқ қайтиш билан амалга ошади. Истиғфор қилиб яна ўзининг билганидан қолмаса, унинг тавбаси мақбул бўлмайди.

﴿ وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾

«Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли Имрон сураси, 135-оят).

Мазкур ояти каримада гуноҳлардан қайтиш истиғфорнинг қабул бўлиш шарти экани маълум бўлади.

Қурғоқчилик вақтида Умар (розияллоҳу анҳу) сув сўраш учун намозгоҳга чиқди. Истиғфор айтишдан бошқа иш ва дуо қилмади. Шунда унинг атрофидагилар: “Эй Умар, сизни сув сўраганингизни кўрмадик”, деди. Умар (розияллоҳу анҳу): “Ёмғир ёғишини, албатта, сўрадим”, деди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) истиғфор айтиш ёмғир ёғишига сабаб бўлгани учун истиғфор айтишни ёмғир сўраш демоқда.

Истиғфорнинг фазилатлари

Истиғфор жаннатнинг йўлларидан бир йўлдир.

﴿لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ ﴿١٥﴾ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّنَا ءَامَنَّا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١٦﴾ الصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالْقَانِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ ﴿١٧﴾﴾

«...Тақводор кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган боғлар (жаннат боғлари), пок хотинлар ва Аллоҳ тарафидан ризолик (мўминлар учун улуғ неъмат – ризвон) бор. Аллоҳ бандаларни кўриб (кузатиб) турувчидир. (Улар дунёда): “Эй Раббимиз, бизлар Сенга имон келтирганмиз. Бас, бизнинг гуноҳларимизни кечир ва бизни дўзах азобидан асра!” – деб (Аллоҳга илтижо қилар) эдилар. (Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида (Аллоҳдан) мағфират сўрайдиган кишилар эди» (Оли Имрон сураси, 15–17-оятлар).

Ушбу ояти карималарда тақводор кишиларнинг бир қанча сифатлари саналмоқда. Шу сифатлардан бири истиғфор айтишларидир. Истиғфорни саҳар чоғида айтиш янада аҳамиятлидир. Саҳар чоғи қалб мусаффо, руҳ хотиржам бўлади. У вақтда бедор бўлишнинг ўзи катта фазл ҳисобланади.

Истиғфорлар саййиди

وعن شداد بن أوس قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «سيد الاستغفار أن تقول: اللهم أنت ربي لا إله إلا أنت خلقتني وأنا عبدك وأنا على عهدك ووعدك ما استطعت أعوذ بك من شر ما صنعت أبوء لك بنعمتك علي وأبوء بذنبي فاغفر لي فإنه لا يغفر الذنوب إلا أنت». قال: «ومن قالها من النهار موقناً بها فمات من يومه قبل أن يمسي فهو من أهل الجنة ومن قالها من الليل وهو موقن بها فمات قبل أن يصبح فهو من أهل الجنة» (رواه البخاري).

Шаддод ибн Авс (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Истиғфорларнинг саййиди шудир: “Эй Аллоҳ! Сен Раббимсан! Сендан ўзга Илоҳ йўқ. Сен мени яратдинг ва мен Сенинг бандангман. Мен имконим борича Сенинг аҳдингда ва ваъдангдаман. Неъматларингни эътироф қиламан. Ёмонликлардан паноҳ тилайман. Гуноҳларимни эътироф қиламан. Мени мағфират қилгин. Чунки Сендан ўзга ҳеч ким гуноҳларни мағфират қилолмас. Сендан ўзим қилган нарсалар ёмонлигидан паноҳ тилайман”. Агар бу истиғфорни кеч кирганда айтса ва шу кечаси вафот қилса, жаннатга киради. Агар тонг отган вақтда айтса ва шу куни вафот қилса, жаннатга киради», дедилар.

Ушбу дуо тавбанинг ҳамма маъноларини ўз ичига олгани учун “Истиғфорлар саййиди”, деб ном олган. Холис истиғфор айтган кишининг

гуноҳлари кечирилади. Гуноҳлардан покланган кишилар жаннатга киради. Инсон ўзига берилган неъматларни тан олиши ва қилган гуноҳларини эътироф қилиб, унга истиғфор айтиши орқали дунё ва охирати обод бўлади.

Банда истиғфорда бардавом бўлиши лозим. Кундалик бажарадиган ҳамма ишларида истиғфорнинг маъноси ва тасдиғи бўлиши аҳамиятлидир. Банда таҳорат олса, масжидга борса ва қайси бир ибодатларни доимо бажариб юрса, истиғфори қабул бўлади. Истиғфор туфайли юрт тинч, еру осмон офатларидан сақланади. Шунингдек, истиғфор туфайли осмондан раҳмат ёмғирлари тушиб, ер юзи обод бўлади.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳу алайх)нинг олдиларига бир киши қурғоқчиликдан шикоят қилиб келди. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳу алайх) унга: “Гуноҳларингга истиғфор айт”, деди. Иккинчи бир киши камбағал ва муҳтожлигидан шикоят қилди. Бошқа бир киши ўз наслининг камлигидан шикоят қилди. Яна бошқа бир киши ўз ерининг даромади камлигидан шикоят қилди. Уларнинг ҳаммасига истиғфор айтишни буюрдилар. Шунда Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайх)нинг даврасида ўтирганлардан бири: “Эй Имом, сизга турли кишилар ўзининг турли ҳожатларини шикоят қилдилар, сиз эса уларнинг ҳаммасига бир хил жавоб бердингиз?” – деди. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайх) ушбу оятларни ўқиди:

﴿ اَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا ﴿١١﴾

﴿ وَيُمِدُّكُمْ بِأَمْوَالٍ وَأَنْبِيَاءٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا ﴿١٢﴾

«Раббингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўрангизлар, албатта, у ўта кечиримли Зотдир. Шунда у устиларингизга осмондан ёмғир ёғдирур. Сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (ато) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур» (Нуҳ сураси, 10–12-оятлар).

Аллоҳ таоло ҳаммамизни истиғфор айтувчилардан қилсин. Истиғфорнинг дунё ва охиратдаги фойдаларидан насиб айласин.

ТОНҒДА ТУРИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

Инсон ҳар доим барвақт уйқудан уйғониши унинг барча ишига файзу барака беради.

عن صخر الغامدي قال قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: «اللهم بارك لأمتي في بكورها قال وكان إذا بعث سرية أو جيشا بعثهم في أول النهار قال وكان صخر رجلا تاجرا فكان يبعث تجارته في أول النهار فأثرى وكثر ماله» (رواه أبي داود).

Саҳр ибн Вадоъа Ғомидий (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, умматимга эрта туришида барака бергин”, дедилар. Набий (алайҳиссалом) сарийя ёки қўшин юбормоқчи бўлсалар, куннинг аввалида юборардилар. Шунингдек, Саҳр (розияллоҳу анҳу) савдогар киши эди. Агар тижоратга одам юборса, куннинг аввалида юборарди. Натижада бой бўлиб, моли кўпайди» (Имом Абу Довуд ривояти).

Барвақт турган кишига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дуоларининг баракоти бор. Саҳр (розияллоҳу анҳу) суннатга риоя қилгани сабабли бадавлат кишига айланди.

عن فاطمة بنت النبي صلى الله عليه و سلم قالت مر بي رسول الله صلى الله عليه و سلم وأنا مضطجعة متصبحة فحركني ببرجله ثم قال يا بنية قومي وأشهدني رزق ربك ولا تكوني من الغافلين فإن الله تعالى يقسم أرزاق الناس ما بين طلوع الفجر إلى طلوع الشمس رواه البيهقي.

Фотима (розияллоҳу анҳо) айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мен тонг пайти ётганимда олдимдан ўтиб қолдилар. Шунда мени уйғотиш учун оёқлари билан туртиб: “Эй қизгинам, тур ва Раббингнинг берадиган ризқига гувоҳ бўл ва ғофиллардан бўлма. Албатта, Аллоҳ таоло тонг билан қуёш чиқиш орасида бандаларининг ризқини тақсимлайди”, дедилар (*Байҳақий ривояти*).

Ўтган солиҳлардан бири: “Субҳ намозини қуёш чиққандан кейин ўқийдиган кишининг қандай ризқланишидан ажабланаман”, деган экан.

Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ризқ талабида эрталабки таом учун барвақт келинлар. Албатта, эрталабки таомда барака ва нажот бордур”, дедилар».

ДУО

Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларида дуо қилишни таълим беради ва дуо қилишга амр қилади. Бақара сурасининг 126-оятида бундай дейди:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ الثَّمَرَاتِ مَنْ آمَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمَتِّعُهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُ إِلَىٰ عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٢٦﴾﴾

Яъни: «Эсланг, Иброҳим: “Эй Раббим, буни (Маккани) тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларига (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!” – деганида, Аллоҳ: “(Улардан) кофир бўлганларини эса, биров ризқлантириб, сўнгра дўзах азобига мубтало этурман. Бу ўта ёмон оқибатдир”, деди».

Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٨٦﴾﴾

«Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар» (Бақара сураси, 186-оят).

Оятда мўминлар учун улкан башорат бордир. У дуо ва илтижо қилувчиларнинг сўровларини адо этишга берилган илоҳий ваъдадир.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло бундай дейди: «Эй бандаларим, барчангиз залолатдасизлар. Фақатгина Мен ҳидоят қилган кимсалар бундан мустасно. Бас, Мендан ҳидоят сўранглар, сизларни ҳидоят қиламан. Барчангиз фақирсизлар. Фақатгина Мен бой қилган кимсалар бундан мустасно. Бас, Мендан ризқларингизни сўранглар. Барчангиз гуноҳкорсизлар. Фақатгина Мен офият берган кимсалар бундан мустасно. Сизлардан ким мағфират қилишга қодир эканлигимни билса, Менга истиффор айтсин. Мен уни мағфират қиламан. Парво қилмайманки, агарчи, аввалингиз-у охирингиз ҳам, тиригингиз ва ўлигингиз ҳам, ҳўлингиз (ёшингиз) ва қуруғингиз (қарингиз) ҳам бир тақводор бандам қалбида жамлансалар ҳам, Менинг мулкимда чивиннинг қанотичалик нарса ҳам зиёда бўлмайди.

Агар аввалингиз-у охирингиз ҳам, тиригингиз ва ўлигингиз ҳам, ҳўлингиз (ёшингиз) ва қуруғингиз (қарингиз) ҳам бир гуноҳкор бандам қалбида жамлансалар ҳам Менинг мулкимда чивиннинг қанотичалик нарса ҳам нуқсонли бўлмайди.

Агар аввалингиз-у охирингиз ҳам, тиригингиз ва ўлигингиз ҳам, ҳўлингиз (ёшингиз) ва қуруғингиз (қарингиз) ҳам бир тепалиқда жамланиб, ҳар бир инсон орзусидагини сўраса-ю, Мен ҳар бир инсонга берсам ҳам, мулкимдан бирор нарса нуқсонли бўлиб қолмайди.

Бу гўёки, бирортангиз денгиз ёнидан ўтаётиб, унга игнани ботириб олишингиз кабидир. Албатта, Мен сахий, йўқни бор қилгувчи улуг Зотман. Хоҳлаган нарсамни қиламан. Беришлигим битта сўз, азобим ҳам битта сўз. Қачонки, Мен бир нарсани ирода қилсам “бўл” дейман, у нарса бўлади» (Имом Термизий ривояти).

Дуо ибодатдир

Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дуо ибодатдир”, дедилар.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хор-у зор ҳолларида кирурлар”**. Бу ерда ибодатдан мурод дуодир. Яъни, Аллоҳ таолога дуо қилишдан кибр қилганлар жаҳаннамга ўшандай ҳолларида кирурлар. Бошқа бир оятда бундай дейилади: **“Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қиламан”**.

Имом Қуртубий (раҳимаҳуллоҳ) Қуръон ҳукмлари ҳақидаги тафсирида Холид Робиъийдан бундай нақл қилади: **“Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман”** ояти борасида бу умматдан ажабланаман. Чунки Аллоҳ таоло дуо қилишга буюриб, ижобатини ваъда қиляпти. Ваҳоланки, ушбу буйруқ ва ваъда ўртасида ҳеч қандай шарт йўқ. Шунга ўхшаш оятлардан: **“Имон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга башорат бер”**, **“Имон келтирганларга улар учун собитқадамлик борлигининг башоратини бер”**.

Ушбу оятларда ҳеч қандай амал шарт қилинма-
япти. Бошқа бир оятда: “**Аллоҳга динни холис
қилган ҳолингизда ёлворинг**”, дейилган. Ушбу
оятда эса Аллоҳ таоло холис амал қилишни шарт
қилмоқда.

Дуо қилувчи дуо қилса-ю, дуоси ижобат бўл-
маса, бунинг сабаби недир? Аллоҳ таоло юқорида-
ги икки оятда дуо қилувчининг дуосини ижобат
қилиши ҳақида хабар берди. Шунга биноан
дуонинг ижобат бўлиши ҳақдир. Лекин бу ҳар
бир дуо қилувчининг дуоси ижобат бўлишини ва
ҳар бир сўралган нарса берилишини тақозо
қилмайди. Аъроф сурасида бундай дейилади:

﴿ اَدْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً اِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِلِينَ ﴾

«**Раббингизга тазарру ила ва махфий дуо
қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни сев-
мас**» (*Аъроф сураси, 55-оят*).

Дуо қилиш одоблари

Дуо қилувчи учун риоя қилмоқлиги вожиб
бўлган одоблар бор. Улар ушбулар: гуноҳ ара-
лаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмай
туриб дуо қилмоқлик.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анху)дан ри-
воят қилинади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алай-
хи ва саллам): “Қайси бир мусулмон гуноҳ ара-
лаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмай
туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга бунинг
сабабидан уч хислатдан бирини беради: унинг
сўраганини тезда беради; сўралган нарсанинг
мислича яхшилиқни унинг учун ато этади; сўрал-

ган нарсанинг мислича ёмонликни ундан буриб қўяди», дедилар. Шунда одамлар: “Эй Аллоҳнинг Расули, ундай бўлса, (дуони) кўпайтирамиз”, дедилар. У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ кўпайтирувчироқдир”, дедилар».

Дуо қилишда шошилирмайди

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Банда гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмай туриб, шошилмасдан дуо қилса, дуоси доимий мустажоб бўлади”, дедилар. У зотга айтилди: “Эй Расулуллоҳ, шошилиш нима?” У зот: “Дуо қилдим, дуо қилдим, ижобат бўлмади, дейди. Сўнгра ҳолдан тояди ва дуони тарк қилади”, дедилар».

Юқоридаги ҳадислардан маълумки, дуо қилувчи шошилиб, дуо қилдим, ижобат бўлмади, дейишлиги дуоси ижобат бўлишини тўсиб қўяр экан. Чунки бу умидсизлик, заифлик ва ишончсизлик ҳисобланади.

ТАОМИНИ, ИЧИМЛИГИНИ ВА КИЙИМИНИ ПОК ТУТИШ

Ҳаром нарсани ейиш ҳам дуони ижобат бўлишидан тўсади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Бир киши узоқ сафар қилади, сочи тўзийди, чангга қопланади ва икки қўлини самога кўтариб: “Эй Раббим, Эй Раббим...” дея дуо қилади, ваҳоланки, унинг таоми ҳаром, ичимлиги ҳаром ва кийими ҳаром бўлади. Бас, қандай қилиб шу ҳолатда дуоси ижобат қилинсин?!»

РАСУЛУЛЛОҲГА САЛАВОТ АЙТИШ

وعن عبد الله بن مسعود قال: كنت أصلي والني صلى الله عليه وسلم وأبو بكر وعمر معه فلما جلست بدأت بالشاء على الله تعالى ثم الصلاة على النبي صلى الله عليه وسلم ثم دعوت لنفسي فقال النبي صلى الله عليه وسلم: «سل تعطه سل تعطه» (رواه الترمذي).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинади: «Намоз ўқиётган эдим. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакр ва Умар билан эдилар. Ўтирганимда бошида Аллоҳ таолога ҳамду сано ва Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтдим ва ўзим учун дуо қилдим. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сўра, сенга берилади. Сўра, сенга берилади”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Саҳл ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) айтади: “Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтиш ибодатларнинг афзалидир. Чунки Аллоҳ таоло салавот айтишни бошлаб берди. Сўнгра фаришталар уни бажардилар. Сўнгра бу амални мўминларга буюрди. Бундан бошқа ибодатлар бундай эмасдир.

Абу Сулаймон Дороний айтади: “Ким Аллоҳдан бир ҳожатни сўрашни хоҳласа, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтиш ила бошласин. Сўнгра ҳожатини сўрасин. Сўнгра Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтиш ила тугатсин. Албатта, Аллоҳ таоло икки салавот ўртасидагини қабул қилади”.

عن عمر بن الخطاب رضي الله عنه أنه قال: الدعاء يُجَبُّ دون السماء حتى يصلي على النبي صلى الله عليه وسلم فإذا جاءت الصلاة على النبي صلى الله عليه وسلم رفع الدعاء.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Дуо Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтилгунча, само қаршисида тўсиб турилади. Қачонки, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтилса, дуо кўтарилади”.

МАХФИЙ ДУО ҲАҚИДА

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً﴾

«Раббингизга тазарру ила ва махфий дуо қилинг» (Азроф сураси, 55-оят).

Дуо пайтида Аллоҳ таолодан азми қарор билан, иккиланмай сўралади.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қачонки бирортангиз дуо қилса, азми қарор билан сўрасин ва зинҳор: “Эй Аллоҳ, агар хоҳласанг, менга бергин” демасин. Чунки уни мажбур қилувчи йўқ”, дедилар».

Дуо қилувчига дуосида Аллоҳ таолога нисбатан “агар хоҳласанг” лафзини ишлатмаслиги вожиб бўлади. Мўмин киши дуода бардавом бўлмоқлиги, дуоси ижобат бўлишини умид қилиши ва ҳаргиз Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслиги керак. Дуолар ижобат бўлади-

ган вақт ва жойларни билиб дуо қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Дуо қилувчи учун шундай вақтлар ва ҳолатлар борки, уларда дуонинг ижобати тезроқ ва кучлироқ бўлади. Булар *саҳар вақти, фитр вақти, азон ва такбир орасидаги вақт, жума куни, чоршанба кундаги пешин ва аср орасидаги вақт, қийинчиликдаги вақтлардир. Шунингдек, сафар ҳолати, касаллик ҳолати, ёмғир ёғаётган пайт, Аллоҳ ризолигидаги амалда пайт, Рамазоннинг охирги ўн куни* кабилар.

Шу билан бирга дуо ижобат бўладиган маконлар ҳам бор. Булар Сафо ва Марва, Арафот тоғи ва бошқалар.

РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ)НИНГ РИЗҚ ҲАҚИДА ҚИЛГАН ДУОЛАРИ

Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуоларида: “Эй Аллоҳ! Мени муҳаббатинг ила ва муҳаббати Сенинг даргоҳингда менга манфаат берадиган шахснинг муҳаббати ила сийла. Эй Аллоҳ! Менга муҳаббатини берган нарсангни Ўзинг муҳаббат қилган нарсада мен учун қувват қилгин. Эй Аллоҳ! Мен муҳаббат қилган нарсалардан мендан четда қилганларингни Ўзинг муҳаббат қилган нарсаларда мен учун қувват қилгин”, дер эдилар».

**ПАЙҒАМБАРИМИЗ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВА САЛЛАМ)НИНГ МАДИНА УЧУН
ҚИЛГАН ДУОЛАРИ**

Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Иброҳим (алайҳиссалом) Маккани ҳаром қилдилар (муқаддас деб эълон қилдилар) ва уни дуо қилдилар. Мен Иброҳим (алайҳиссалом) Маккани ҳаром қилганлари каби Мадинани ҳаром қилдим (муқаддас деб эълон қилдим) ва Иброҳим (алайҳиссалом) Маккани дуо қилганлари каби мен Мадинани дуо қилдим”».

Ҳақиқатан, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Макка учун қилган дуоларини ижобат қилганидек, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дуоларини ҳам ижобат қилди.

**НАБИЙ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА
САЛЛАМ)НИНГ ХОДИМЛАРИ АНАС
ИБН МОЛИК (РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ)
ҲАҚИГА ҚИЛГАН ДУОЛАРИ**

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мен учун бу дунё ва охирагда қолдирган энг яхши нарсаси ушбу дуодир: “Эй Аллоҳ, Анасни мол ила, фарзанд ила ризқлантиргин ва унга барака бергин”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Фотима (розияллоҳу анҳо) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келиб, бир ходим сўрадилар. Шунда У зот: “Эй

Аллоҳ, етти осмоннинг Раббиси, буюк Аршнинг Раббиси, бизнинг ва ҳар бир нарсанинг Раббиси, Таврот, Инжил ва Қуръонни нозил қилувчи Сенинг номинг ила ҳар бир нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Сен Аввалсан, Сендан олдинга ўтувчи йўқ. Сен Охирсан, Сендан кейинги йўқ. Сен Зоҳирсан, Сен Ботинсан. Мени қарздорликдан сақлагин ва фақирликдан беҳожат қилгин – дегин», дедилар».

Яҳё ибн Саид (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай дуо қилганларини эшитди: “Эй Аллоҳ, тонг яратувчиси, кечани оромбахш қилгувчи, қуёш ва ойни ҳисобда қилгувчи, мени қарздорликдан сақлагин ва фақирликдан беҳожат қилгин. Эшитишимни, кўришимни ва қувватимни ўзингнинг йўлингда фойдалантиргин”.

Али (розияллоҳу анҳу)нинг олдиларига бир кул озод бўлиш учун шартлашилган маблағни тополмай келди ва: “Мен тўлашдан ожиз бўлиб қолдим, менга ёрдам беринг”, деди. У зот: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга ўргатган калималарни сенга ўргатмайинми? Агар бўйнингда тоғдек қарзинг бўлса ҳам Аллоҳ таоло уни сендан айиради”, дедилар ва ушбу дуони таълим бердилар: “Айтгинки, Эй Аллоҳ, менга ҳалол нарсаларингни ҳаром нарсаларингдан кифоя қилгин ва мени Ўз фазлинг ила бошқалардан беҳожат қилгин!”

УЙЛАНИШ ДУОСИ

Ҳасан (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Уқайл ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) бир аёлга уйландилар. Шунда аҳиллик ва серфарзандликни тилаб дуо қилинди”. Уқайл эса: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек: “Аллоҳ таоло сизларга барака берсин, денглар”, дедилар».

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Абдуррахмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу)да сарғишлик асарини кўрдилар ва: “Бу нима?”, деб сўрадилар. У: “Мен тиллодан маълум миқдор эвазига бир аёлга уйландим”, дедилар. Шунда Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло сенга барака берсин. Битта қўй билан бўлса ҳам валима (тўй) қилгин”, дедилар».

ҚАРЗНИ ҚАЙТАРГАНДАГИ ДУО

Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Мендан Набий (соллalloҳу алайҳи ва саллам) қирқ минг қарз олдилар. У зотга мол келганида қарзни қайтардилар ва айтдиларки: “Аллоҳ таоло сенга, аҳлингга ва молингга барака берсин. Албатта, қарздорнинг ва-зифаси ҳамд айтиш ва адо қилишдир”.

ФАҚИРЛИҚДАН ПАНОҲ СЎРАШ ДУОСИ

عن أبي هريرة أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يقول: «اللهم إني أعوذ بك من الفقر والقلة والذلة وأعوذ من أن أظلم أو أظلم» (رواه أبو داود والنسائي).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Аллоҳ, Сенинг номинг ила фақирликдан, озчилик ва хорликдан паноҳ сўрайман. Сенинг номинг ила зулм қилиш ва зулм қилинишдан паноҳ сўрайман”, дер эдилар» (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

ИФФАТНИ САҚЛАШ

Аллоҳ таоло иффатни сақлашга буюради:

﴿وَلَيْسَتَعْفِيفِ الَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّى يُغْنِيَهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ﴾

«Никоҳ (учун лозим маблағ) топа олмайдиган кишилар то Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитгунча ўзларини (ҳаромдан, зинодан) пок тутсинлар!» (Нур сураси, 33-оят).

﴿لِلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ أَحْصَرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِي الْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ الْجَاهِلُ أَغْنِيَاءَ مِنَ التَّعْفُفِ تَعْرِفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِلْحَافًا وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

«(Садақа ва эҳсонлар) Аллоҳ йўлида (жанг билан) банд бўлиб, сафарга чиқа олмайдиган, иффатлари (тортинчоқликлари) сабабли билмаган одам бой деб гумон қиладиган фақирлар учундир. Уларнинг (фақир эканликларини) сиймоларидан (ташқи кўринишдаги белгиларидан) билиб оласиз. (Улар) одамлардан тиланиб туриб олмайдилар. Қилган хайр-эҳсонингизни Аллоҳ билиб турувчидир» (Бақара сураси, 273-оят).

﴿وَأَن يَسْتَغْفِرَ خَيْرٌ لَّهُمْ ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Ўзларини пок тутишлари улар учун яхшироқдир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир...» (Нур сураси, 60-оят).

Иффат луғатда ҳалол ва гўзал нарсада ўзини сақламоққа айтилади.

Иффат қилиш ризқ калитларидан биридир

عن أبي سعيد الخدري أن ناسا من الأنصار سألوا رسول الله صلى الله عليه و سلم فأعطاهم ثم سألوه فأعطاهم حتى إذا نفذ ما عنده قال ما يكون عندي من خير فلن أدخره عنكم ومن يستغفر يعفه الله ومن يستغن يغنه الله ومن يتصبر يصيره الله وما أعطى الله أحدا من عطاء أوسع من الصبر (وأخرجه البخاري ومسلم).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Ансорийлардан баъзилари Расу-

луллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан нарса сўрадилар. У зот бердилар. Улар яна сўрашди. У зот яна бердилар. Ҳатто у зотнинг ҳузурларида ҳеч нарса қолмади. Шунда у зот: “Бирор яхшилик бўлса, уни сизлардан бекитмайман. Ким иффат қилса, Аллоҳ унинг иффатини сақлайди. Ким ўзини беҳожат санаса, Аллоҳ уни беҳожат қилади. Ким сабр қилса, Аллоҳ уни сабрли қилади. Бир кишига бирор нарса берилиши сабр қилишдан яхшидир”, дедилар.

Аллоҳ таоло иффатлига ёрдам берур

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Уч кимсага ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир: Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчига, адосини мақсад қилган мукотаб (қул)га, иффатни кўзлаб никоҳ қурувчига”, дедилар.

Иффат ҳақидаги дуо

“Эй Аллоҳ, мен Сендан ҳидоятни, тақводорликни, иффатни ва бойликни сўрайман”.

БОЙЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Ким ўзини беҳожат қиладиган нарсаси бўлатуриб инсонлардан тиланиб сўраса, қиёмат куни юзи тирналган ҳолда келур, дедилар. Улар: “Уни беҳожат қилади-

ган ёки беҳожат қилган нарса нима?” – деб сўрашди. У зот: “Элик дирҳам ёки шунча тилло”, дедилар».

Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшидир

وعن حكيم بن حزام قال: سألت رسول الله صلى الله عليه وسلم فأعطاني ثم سألته فأعطاني ثم قال لي: «يا حكيم إن هذا المال خضر حلو فمن أخذه بسخاوة نفس بورك له فيه ومن أخذه بإشراف نفس لم يبارك له فيه. وكان كالذي يأكل ولا يشبع واليد العليا خير من اليد السفلى». قال حكيم: فقلت: يا رسول الله والذي بعثك بالحق لا أزرأ أحدا بعدك شيئاً حتى أفارق الدنيا» (متفق عليه).

Ҳақим ибн Ҳизом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан мол сўрадим. Бердилар. Яна сўрадим. Бердилар. Сўнг менга: “Эй Ҳақим, бу мол ёқимли, шириндир. Ким уни саховат билан олса, унга баракали бўлади. Ким очкўзлик билан олса, унга баракали бўлмайди. У еб тўймайдиган киши каби бўлиб қолади. Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшидир”, дедилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасам, сиздан сўнг дунёни тарк қилгунимча ҳеч кимдан бирор нарса сўрамайман”, дедим» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Узрсиз тиланиш ҳаромдир

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: “Ким инсонлардан тиланиб сўраса, албатта, жаҳаннам оловини сўрабди. Энди жаҳаннам оловини камайтирсин, ё кўпайтирсин»...

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: Мен отамнинг бундай деяётганларини эшитдим: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этиб: “Киши инсонлардан сўрашда бардавом бўлаверса, қиёмат куни юзининг бир парчаси йўқ ҳолда келади”, дедилар».

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Сизлардан бирингиз арқонини олиб, тоққа бориб ўтин териб, сўнг уни сотиб, бирор нарса сотиб олиб тирикчилик қилиши, инсонлардан сўраганидан яхшидир”, дедилар.

Муовия ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу) Муғира ибн Шўъба (розияллоҳу анҳу)га: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитган бирор нарсангни менга ёзиб юбор”, деб хат ёзди. Муғира ибн Шўъба (розияллоҳу анҳу) унга бундай деди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитганман: “Аллоҳ таоло сизларга уч нарсани ёмон кўрди: “Деди-дедини, молни исроф қилишни ва инсонлардан кўп сўрашни”».

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Онам мени Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бирор нарса сўрашга

ундадилар. Мен у зотнинг ҳузурларига бориб ўтирдим. У зот: “Менга яқинроқ кел, деб бундай дедилар: “Ким ўзини беҳожат санаса, Аллоҳ уни беҳожат қилади. Ким иффат қилса, Аллоҳ унинг иффатини сақлайди. Ким қаноат қилса, Аллоҳ уни қаноатлантиради. Ким бир уқия миқдоридаги нарсаси бўлатуриб сўраса, бас, у айёрлик қилибди”, дедилар. Мен: Туям бўлса, ҳолбуки, у бир уқиядан яхши дедим-да, ҳеч нарса сўрамай қайтиб кетдим».

Сўраш жоиз бўлган ҳолатлар

қобиса ибн Мухориқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Инсонлардан сўраш уч тоифа: 1. Моли талафотга учрагач, инсонлардан ёрдам сўраб, ўзини тиклаб олиб, сўнг бошқа сўрамаган. 2. Бирор тўловга қолиб, ёрдам сўраган ва тўлови унга тўлаб берилиб, сўнг бошқа сўрамаган. 3. Қавмидан учта ҳожатманд кишига ёрдам бераман деб Аллоҳнинг номи ила қасам ичиб ва бошқалардан ёрдам сўраган кишиларгагина ҳалолдир. Бундан бошқаси мумкин эмас”.

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: Сўраш – киши ўз юзини тирнашидир. Ким хоҳласа, юзини тирнасин, хоҳласа уни тарк қилсин. Бошқа чораси қолмаганида имкони бор одамдан сўраса, бундан мустасно”.

ҲАЛОЛ ТИЖОРАТ – РИЗҚ КАЛИТЛАРИДАН БИРИ

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: У зот бундай дедилар: “Абдурахмон ибн Авф Мадинага келганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Саъд ибн Робиъа ансорий билан биродар қилиб қўйдилар. Саъд бой одам эди. У Абдурахмонга: “Мен Мадинадаги энг бой одамман. Молимнинг ярми сеники, мана бу икки аёлимга боқ, қайсиси сенга ёқса, ўшани талоқ қиламан, деди. У эса: “Аллоҳ аҳлингга ҳам, молингга ҳам барака берсин. Менга бозорни кўрсатиб қўйинг”, деди.

У ўша куни аҳли учун қурт ва сарёғ ортириб келди. Бир оз вақт ўтгандан кейин у устига сариқ бўёқ(ли матодан кийим) кийиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Бу қаердан?” – дедилар. У: “Эй Аллоҳнинг Расули, ансорийлардан бир аёлга уйландим”, деди. “Унга нима тақдим қилдинг?” – дедилар. “Бир данак тилла (ёки бир данак вазнича тилла)”, деди. “Битта қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қил”, дедилар. Абдурахмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу): “Агар бир тошни кўтарсам ҳам унинг тагидан тилла, кумуш топиб оладиган бўлиб қолдим”, деган.

ТАҚВО ҚИЛИШ

Тақво мўминнинг энг улуғ фазлатидир. У жами яхшиликларни, хайр-баракани ўзида жамлайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ۖ ﴿٢﴾ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ بَلِغٌ أَمْرِهِ ۗ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ۖ ﴿٣﴾ ﴾

«Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур. Кимки Аллоҳга таваккал қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 2–3-оятлар).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг ваъдаси бор. Тақво қилган инсонга ташвишларидан қутиладиган йўлни Аллоҳ кўрсатади.

﴿ وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْقُرَىٰ ءَامَنُوا وَأَتَّقَوْا لَفَنَحْنَاهُمْ بَرَكَاتٍ مِّنَ السَّمَاءِ ۖ وَالْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا فَأَخَذْنَاهُم بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٦﴾ ﴾

«Агарда у юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва Ердан баракотлар (эшиклари)ни очиб юборган бўлур эдик. Лекин, (улар пайғамбарларни) ёлғончига чиқардилар. Натижада қилмишлари сабабли уларни (азобга) тутдик» (Аъроф сураси, 96-оят).

Тақво сўзининг луғавий маъноси “сақланиш”, “эҳтиёт бўлиш” деганидир.

Шаръий истилоҳда эса тақво – турли маломат ва азоб-уқубатлардан сақланиш учун уларнинг сабабларидан узоқда бўлиш, Аллоҳ таолонинг неъматларига сазовор қиладиган вожиб амалларни адо этишдир.

عن أبي كبشة الأنماري أنه سمع رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: «ثلاث أقسم عليهن وأحدثكم حديثا فاحفظوه فأما الذي أقسم عليهن فإنه ما نقص مال عبد من صدقة ولا ظلم عبد مظلمة صبر عليها إلا زاده الله بها عزا ولا فتح عبد باب مسألة إلا فتح الله عليه باب فقر وأما الذي أحدثكم فاحفظوه» فقال: «إنما الدنيا لأربعة نفر: عبد رزقه الله مالا وعلما فهو يتقي فيه ربه ويصل رحمه ويعمل لله فيه بحقه فهذا بأفضل المنازل. وعبد رزقه الله علما ولم يرزقه مالا فهو صادق النية ويقول: لو أن لي مالا لعملت بعمل فلان فأجرهما سواء. وعبد رزقه الله مالا ولم يرزقه علما فهو يخبط في ماله بغير علم ولا يتقي فيه ربه ولا يصل فيه رحمه ولا يعلم فيه الله حقا. فهذا بأخبث المنازل وعبد لم يرزقه الله مالا ولا علما فهو يقول: لو أن لي مالا لعملت فيه بعمل فلان فهو نيته ووزرهما سواء» (رواه الترمذي وقال: هذا حديث صحيح).

Абу Кабша Анморий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Албатта, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч нарсага қасам ичаман ва бир ҳадис айтаман. Уни ёдда сақланглар! Аввало, уч нарсага қасам ичаман. (1) Албатта, хайр-эҳсон

қилувчининг мол-давлати қилган хайр-эҳсон билан камаймайди. (2) Мазлум кўрган зулмига сабр қилса, албатта азиз бўлади. (3) Бир инсон тиланчилик билан бир эшикни очса, Аллоҳ унга камбағаллик эшигини очиб қўяди. Сизга айтадиган ҳадис эса қуйидагидир, уни ёдда сақланг: дунё – тўрт турли кимсалар учундир:

Биринчиси, Аллоҳ таоло бир инсонга мол-давлат ва илм беради. У илмига амал қилиб, мол-давлати билан қариндош-уруғ орасида силаи раҳм қилади. Ўзида Аллоҳ таолонинг ҳақи борлигини билади. Бу инсон улуғ мақомдадир.

Иккинчиси, Аллоҳ таоло бир инсонга илм берган, аммо мол-давлат бермаган. У илмига амал қилади ва чин ихлос билан «Агар Аллоҳ таоло менга мол-давлат берганда “фалончидек” силаи раҳм қилар эдим», дейди. У иккаласининг ажри-савоби баробардир.

Учинчиси, Аллоҳ таоло бир инсонга мол-давлат берган, аммо илм бермаган. У илмсиз ҳолда мол-давлатни деб йўлдан озади. Мол-давлати тўғрисида Раббисидан кўрқмайди, силаи раҳм қилмайди ва унда Аллоҳ таолонинг ҳақи борлигини билмайди. Бу инсон энг ёмон манзилдадир.

Тўртинчиси, Аллоҳ таоло бир инсонга мол-давлат ҳам бермаган, илм ҳам бермаган. У илмсиз ҳолда «Агар Аллоҳ таоло менга мол-давлат берганда “фалончидек” сарф қилар эдим» дейди. У иккаласининг гуноҳи баробардир”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алай-

ҳи ва саллам)дан: “Қайси инсон афзал?” – деб сўрадилар. У зот: “Ҳасад қилмайдиган қалб ва ростгўй тил”, дедилар. Шунда: “Ростгўй тилни биламиз, ҳасад қилмайдиган қалб нима?” – дейишди У зот: “У покиза, унда гуноҳ ҳам, ёмонлик ҳам, кин-у адоват ва ҳасад бўлмаган қалбдир”, дедилар».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дуо қилардилар: “Эй Аллоҳ, мен Сендан хидоятни, тақводорликни, ифбатни ва бойликни сўрайман”.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, дунё шириндир, гўзалдир. Албатта, Аллоҳ таоло сизларни унда ўринбосар қилди. У сизларни нима амал қилаётганингизга назар солур. Дунёдан тақво қилинглар. Аёллардан тақво қилинглар. Чунки Бани Исроилнинг аввалги фитнаси аёлларни деб бўлган эди”, дедилар».

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: У зот: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳажжатул Вадоъда бундай деб хутба қилаётганларини эшитдим: “Аллоҳга тақво қилинглар, беш вақт намозингизни ўқинглар, Рамазон рўзангизни тутинглар, молларингиз закотини беринглар, бошлиқларингизга итоат этинглар, шунда Раббингизнинг жаннатига кирасизлар”».

Ҳамма хайр-барака тақво қилишда, Аллоҳ таоло тақво қилган кишининг йўлини очиб қўяди. Ким ўз ризқи, моли, фарзанди ва ишларида барака бўлишини хоҳласа, тақво йўлини тутсин.

ИХЛОС

Ихлос барча ибодатларнинг руҳидир. Амалларнинг қабул бўлиши ихлосга боғлиқдир. Аллоҳ таоло бандаларни доим ихлосга буюради.

﴿ وَمَا تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٣٩﴾ ۞ إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿٤٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمْ رِزْقٌ مَّعْلُومٌ ﴿٤١﴾ فَوَكَهَهُمْ مَّكْرُمُونَ ﴿٤٢﴾ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٤٣﴾ عَلَى سُرُرٍ مُنْقَلَبِينَ ﴿٤٤﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿٤٥﴾ بِيضَاءَ لَذَّةٍ لِلشَّرْبِينَ ﴿٤٦﴾ لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنْفَوْنَ ﴿٤٧﴾ وَعِنْدَهُمْ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ عِينٌ ﴿٤٨﴾ كَأَنَّهُنَّ بَيْضٌ مَّكْنُونٌ ﴿٤٩﴾ ۞ ﴾

«Сизлар фақат қилиб ўтган жиноятларингиз сабабли жазоланурсиз. Илло, Аллоҳнинг шундай (куфр ва ширкдан) дили пок бандалари. Айнан ўшалар учун (жаннатда) маълум ризқ, (турли) мевалар бўлур. Улар иззат-икромдадирлар. Неъмат боғларида. Сўрилар устида бир-бирларига юзма-юз бўлиб ўтирурлар. Уларга (май чиқиб турадиган) оқин чашмадан (олинган) қадаҳлар айлантирилур. Оппоқ ва (май тўла қадаҳлар) ичувчилар учун лаззатлидир. У (шароб)да ақлдан оздирувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст ҳам бўлмаслар. Яна уларнинг олдиларида нигоҳлари (бегонага қарашдан) чегараланган, кенг ва катта кўзли (хурқиз)лар бўлур. Улар гўё (пардага) ўралган (оппоқ) тухумдекдирлар» (Соффот сураси, 39–49-оятлар).

Шариатда тоат-ибодатда риёни тарк қилиш, Аллоҳ учун амал қилиш ихлос бўлади.

عن عمر بن الخطاب رضي الله عنه: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: «إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَّا نَوَى فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى دُنْيَا يُصَيِّبُهَا أَوْ إِلَى امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَاجَرَتْهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ» (رواه البخاري ومسلم).

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитдим. У зот: “Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир киши учун ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунёга эришиш учун бўлса, эришади ёки аёлга уйланиш учун бўлса, уйланади, бас, унинг ҳижрати нима учун бўлса, ўшани топади”, дедилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Фузайл ибн Йёз (раҳимаҳуллоҳ): “Инсонлар сабабидан бир амални тарк қилиш риёдир. Улар сабабидан амал қилиш ширқдир. Ихлос эса Аллоҳ таоло сени мана шу иккисидан сақлашидир”, деди.

Имом Насоий “Сунан” китобида Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ушбуларни ривоят қиладди: «У зот айтди: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб бундай деди: “Ё Расулуллоҳ! Мол-дунё ва гап-сўз бўлиш илинжида ғазот қилган одам ҳақида нима дейсиз?” Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унга ҳеч қандай ажр йўқ”, дедилар.

У киши саволини уч марта такрорлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Унга ҳеч қандай ажр йўқ”, деб, сўнг бундай дедилар: “Аллоҳ таоло холис розилиги учун қилинган амалнигина қабул қилади”».

Юқорида ўтган Саффот сурасида “**айнан ўшалар учун маълум ризқ** (бўлур)” ояти қаримаси айтиб ўтилди. Оятнинг маъноси шуки, ихлосли бандалар учун жаннатда ҳеч тугамайдиган маълум ризқ бўлур.

ШЕРИКЧИЛИК ҚИЛИШ

Тижорат ва бошқа касб-ҳунарларда икки ва ундан ортиқ кишилар шерик бўлиб иш қилишида барака бордир.

عن أبي هريرة رفعه قال: «إن الله عز وجل يقول: أنا ثالث الشريكين ما لم يخن صاحبه فإذا خانه خرجت من بينهما» (رواه أبو داود).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло айтди: “Модомики, икки шерик бир-бирига хиёнат қилмас экан, мен уларнинг учинчисиман. Агар хиёнат қилса, мен уларнинг ўртасидан чиқиб кетаман”» (Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ таолонинг “Мен уларнинг учинчисиман” сўзидан мурод, уларнинг молини ҳимоя қилиб, барака бераман, иккисининг муомаласида ризқу рўз ва яхшилиқни ато қиламан, деганидир.

Шерикчиликнинг мақталишига сабаб шуки, бир кишидан кўра учинчиси Аллоҳ бўлган ше-

рикчиликда хайр-барака бордир. Чунки иккала шерикнинг ҳар бири шеригига ёрдам қилиш учун ҳаракат қилади. Аллоҳ таоло эса, мўмин дўстига ёрдам қилаётган бандасига ёрдам бераверади.

ИНФОҚ-ЭҲСОН ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло бандаларини ўзи берган мол-давлатидан инфоқ-эҳсон қилишга қайта-қайта амр қилади. Инфоқ-эҳсон қилувчи ажр-савоб билан бирга хайр-баракага эга бўлади.

﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَاتَّقَىٰ ۝۵ وَصَدَقَ بِالْحَسَنَىٰ ۝۶ فَنَسِئِرُهُ، لِلْعُسْرَىٰ ۝۷ وَأَمَّا مَنْ ۝۸ بَخِلَ وَاسْتَغْنَىٰ ۝۹ وَكَذَّبَ بِالْحَسَنَىٰ ۝۱۰ فَنَسِئِرُهُ، لِلْعُسْرَىٰ ۝۱۰ ﴾

«Бас, кимки (закот ва садақаларни) берса ва (Аллоҳдан) кўрқса, ҳамда гўзал (нарсани-имон калимаси)ни тасдиқ этса, бас, унга осон (йўл)-ни муяссар қилурмиз. Аммо кимки бахиллик қилса ва (ўзини) беҳожат (бой) санаса, ҳамда гўзал (нарсани) ёлғонга чиқарса, бас, унга оғир (йўл)ни “муяссар” қилурмиз» (Лайл сура-си, 5–10-оятлар).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَأَنفُسِكُمْ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا لِأَنفُسِكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَذَكَّرُونَ ۝۷۲ ﴾

«Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзларингиз учундир. Фақат Аллоҳнинг “юзи” учунгина эҳсон қилгайсиз. Қилган ҳар

бир хайр-эҳсонингиз (савоби) адолатсизлик қилинмаган ҳолда мукаммал қайтарилур» (Бақара сураси, 272-оят).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَنْ نَنالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

«Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилма-гунингизча сира яхшилик (жаннат)га ета ол-магайсизлар ва ниманики эҳсон қилсангиз, бас, албатта, Аллоҳ таоло уни билгувчидир» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Ояти каримада ҳақиқий хайр-эҳсонга ўзингиз суйган нарсани инфоқ қилиш билангина эри-шасизлар дейилмоқда. Шу сабабли саҳобалар (розияллоҳу анҳум) қўлларидаги энг сара нар-саларни инфоқ қилишга қизиқтирилмоқда.

Хайру эҳсон қилиш фазилати

Хайру эҳсон қилиш жаннат йўлларида бири-дир:

Абдурахмон ибн Ҳаббоб Сулабий (розиялло-ҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) хутба қилиб мусул-мон лашкарларига инфоқ қилишга чақирдилар. Усмон (розияллоҳу анҳу): “Менда юзта эгар-жабдуқли туя бор”, деди. Расулуллоҳ (соллалло-ҳу алайҳи ва саллам) минбардан бир поғона пастладилар ва яна инфоқ қилишга чақирдилар. Усмон (розияллоҳу анҳу) яна: “Менда яна бош-қа юзта эгар-жабдуқли туя бор”, деди».

Абдурахмон ибн Ҳаббоб Суламий (розиялло-ху анху) айтди: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ажабланган киши қўлини ҳаракатлантиргани каби ҳаракатлантириб, бундай деганларини эшитдим: “Усмонга бундан кейин нима қилса ҳам зарар бермас”».

Хайру эҳсон чегараси ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسِطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا ۗ ﴾ (29)

«(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингиз-га боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда қолурсиз» (Исро сураси, 29-оят).

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида айтади:

﴿ وَالَّذِينَ إِذَا أَنفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا ۗ ﴾ (67)

«Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида мўътадилдир» (67-оят).

Имом Қуртубий (раҳимаҳуллоҳ) ўзларининг “Жомиъу аҳкомил Қуръан” номли китобида ушбу оят тафсирида бундай деди: «Муфассирлар ушбу оят тафсирида бир неча фикрларни айтганлар. Улардан имом Наҳҳос (раҳимаҳуллоҳ) шундай дейди: “Ушбу ояти кариманинг маъноси борасида айтилган гапларнинг энг сараси

шуки, ким минг дирҳамни ўз ўрнига инфоқ қилса, у исроф қилмаган бўлади. Лекин ким бир дирҳамни бўлса ҳам ўрни бўлмаган жойга инфоқ қилса, у исроф қилибди»».

Инфоқ-эҳсон ризқ калитларидан биридир

Мол-давлат Аллоҳ таоло йўлида қилинган хайру эҳсон ва нафақа билан ҳеч камаймайди.

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضَعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ

عَلِيمٌ ﴿٢٦١﴾

«Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир» (Бақара сураси, 261-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло хайру эҳсон, нафақа қилишнинг фойдасини ажойиб услубда васф қилмоқда. Сиртдан қараганда хайру эҳсон қилган кишининг мол-дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса, ерга экилиб, ўзини фидо қилган бир донга ўхшайди. Ўша бир дона дон кейинчалик униб чиқиб кўпайганидек, хайр-эҳсон қилинган мол ҳам бир неча чандон кўпайиб кетади. Уни Аллоҳ таоло кўпайтириб беради. Донни мисол келтиришдан мурод – Аллоҳ таолонинг йўлида қилинган бир нарса етти юзтага кўпайишига урғу беришдир.

﴿ قُلْ إِنَّ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ وَمَا أَنفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ ۖ وَهُوَ خَيْرُ الرَّزَاقِينَ ﴾

«Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг энг яхшисидир”» (Сабаъ сураси, 39-оят).

Ризқ берувчи ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Унинг хоҳиш-иродасидадир. Хоҳлаган бандасининг ризқини кенг, бой-бадавлат қилиб, шукр ёки ношукрликда имтиҳон қилади. Хоҳлаган бандасининг ризқини танг қилиб, сабр ёки безовталиқда имтиҳон қилади. Ризқнинг кенг ёки танг бўлиши синов-имтиҳондан бошқа нарса эмас. Лекин инсонлардан кўпчилиги буни билмайди. Дунёда кенг ризқ билан бой-бадавлат яшаётган кишилар мулкнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг мулки, менинг қўлимда омонат мол деб, Аллоҳ таоло буюрган йўлларда эҳсон, инфоқ қилсалар, молу дунёлари ҳеч зое кетмайди. Ўша мол-дунё ўрнини Аллоҳ таоло бу дунёнинг ўзида дарҳол тўлдиради ёки охаратда ажр-савоб беради.

عن أبي هريرة رضي الله عنه أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «ما من يوم يصبح العباد فيه إلا ملكان ينزلان فيقول أحدهما اللهم أعط منفقا خلفا ويقول الآخر اللهم أعط ممسكا تلفا» (متفق عليه).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Бандалар тонг оттирган куннинг ҳар бирида иккита фаришта тушади. Улардан бири: “Эй Аллоҳ, инфоқ-эҳсон қилган кишига ўрнини қоплайдиган мол-давлат (баракот) бер – деб, иккинчиси эса, хасис ва зиқнанинг молига талафот бер”, деб дуо қилади».

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «قال الله تعالى: أنفق يا ابن آدم أنفق عليك» (متفق عليه).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Аллоҳ таоло: “Эй одам боласи, инфоқ-эҳсон қилгин, мен сенга инфоқ-эҳсон қиламан”, деди».

Аллоҳ таоло мол-давлат берган инсон қўлидаги молда бошқаларнинг ҳақи борлигини билса, хайр-эҳсон ва садақалар қилиб турса, хожат-мандга ёрдам берса, мол-давлати камаймайди, аксинча зиёда бўлади. Чунки унинг молига Аллоҳ таоло барака беради. Мол-давлати бўлатуриб, уни қизғанган, хайр-эҳсонни билмаган кишилар молида ҳам, умрида ҳам барака топмайди. Моли билан нафсий ва руҳий азобларни сотиб олади.

Кимларга хайру эҳсон қилинади?

Аллоҳ таоло айтади:

«Сиздан (эй Муҳаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: “Ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб турувчидир”» (Бақара сураси, 219-оят).

Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, хайр-эҳсон қилишнинг ҳам даражалари бор. Аввал ота-она, сўнг қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирлардир. Ояти каримадаги яхшиликдан мақсад молдир. Яна шуни ҳам билиш лозимки, бу ердаги нафақадан мурод вожиб нафақадир. Масалан, инсон ота-онасига ўз ҳолатидан келиб чиқиб нафақа қилиши каби. Бой одам ота-онасига муҳтож бўлсалар, нафақа қилиши вожибдир. Шунингдек, хайр-эҳсон холис Аллоҳ учун бўлиши лозим. Зеро, Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 262-оятида шундай марҳамат қилади:

﴿ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذَىٰ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴾

«Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар».

ЗИКР ҲАҚИДА

Зикр Аллоҳ таолони ёдга олиш, У зотни поклаб тасбеҳ айтиш, дилни ва тилни Унинг исм-сифатлари билан банд қилишдир. Исломнинг устуни бўлган намоз зикрларнинг улуғидир. Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони каримнинг тиловати ҳам зикрдир.

Инсон зикрда бўлиши билан дунё ва охирати обод бўлади. Зикрдан узоқ бўлиш ва ундан юз ўгириш дунё ва охиратда танглик келтиради. Аллоҳ таоло марҳамат қилади.

﴿ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَمَحْشَرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴾ (124)

«Ким менинг зикримдан юз ўгирса, бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз» (Тоҳо сураси, 124-оят).

Аллоҳ таолони зикр қилишнинг фойдаси зикр қилувчига бўлади. Банда ўз Раббисини зикр қилса, Раббиси уни зикр қилади.

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «يقول الله تعالى: أنا عند ظن عبدي بي وأنا معه إذا ذكرني فإن ذكرني في نفسه ذكرته في نفسي وإن ذكرني في ملأ ذكرته في ملأ خير منهم» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва

саллам): “Аллоҳ таоло: “Бандам Мен ҳақимда нима гумон қилса, ўшандайман. У Мени зикр қилган чоғида, Мен у биланман. У мени ичида зикр қилса, Мен ҳам уни ичимда зикр қиламан. У Мени жамоат орасида зикр қилса, Мен ҳам уни ундан яхшироқ жамоат ичида зикр қиламан”, деб айтади”, дедилар».

Банда Аллоҳ таоло ҳақида қандай гумон қилса, Аллоҳ таоло унга ўша гумонига мувофиқ муомала қилади. Шунинг учун мўмин банда доимо Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумонда бўлмоғи керак.

Шунингдек, банда Аллоҳ таолони қандай зикр қилса, Аллоҳ таоло ҳам уни шундай зикр қилади. Аллоҳ зикр қилган бандада яхшилик ва файз-барака кўпаяди.

Аллоҳ таолони зикр қилиш мўминларнинг улуғ сифатларидандир. Аллоҳ мўминларни бундай сифатлайди:

﴿ الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ ﴾

«Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (ва таскин топур)» (*Раъд сураси, 28-оят*).

Мазкур ояти каримада мўминларнинг “қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир” деб зикрнинг фазли ўзига хос услуб билан баён қилинмоқда. Қалби тинч ва осуда бўл-

ган инсон барака топади. Барака мол-давлатнинг кўплигида эмас. Барака қалбнинг ором олишидадир.

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «ما من قوم يذكرون الله إلا حفت بهم الملائكة و غشيتهم الرحمة و نزلت عليهم السكينة و ذكرهم الله فيمن عنده».

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қай бир қавм ўтириб, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилсалар, албатта, уларни фаришталар қуршаб олур, устиларидан сакийнат (сокинлик) нозил бўлур ва Аллоҳ уларни Ўз ҳузурдагилар ичида зикр қилур”, дедилар».

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه و سلم أكثروا من قول لا حول ولا قوة إلا بالله فإنها كنز من كنوز الجنة. قال مكحول فمن قال لا حول ولا قوة إلا بالله ولا منجا من الله إلا إليه كشف عنه سبعين بابا من الضر أذناهن الفقير.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи” калимасини кўп айтинг. Чунки у жаннатнинг хазиначаридан бир хазиначидир, дедилар».

Макхул (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Ким **“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи. Ва лаа манжаа миналлоҳи иллаа илайҳи** (маъноси: – Аллоҳнинг сақловисиз У

зотнинг маъсиятидан бурилиш йўқ. Ўзининг ёрдамисиз У зотнинг тоатига қувват йўқ. Аллоҳ ундан етмиш зарарнинг эшигини ёпади. Уларнинг энг кичиги фақирликдир)», дедилар».

Шунингдек, қийин ҳолга тушганида, касал бўлиб қолганида, бирор нарсадан ажабланиб унга кўз тегишидан кўрққанида, бир нарсадан шумланганида, уйдан чиқаётганида, кечаси уйғониб кетганида ва ҳар намоздан кейин “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи”ни айтиш мустаҳабдир.

عن أبي الدرداء رضي الله عنه قال من قال إذا أصبح وإذا أمسى حسبي الله لا إله إلا هو عليه توكلت وهو رب العرش العظيم سبع مرات كفاه الله ما أهمه صادقاً كان بها أو كاذباً (رواه أبي داود).

Абу Дардо (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Ким кеч кирганида ва тонг отганида етти марта “Ҳасбияллоҳу, лаа илаҳа иллаа ҳува, алайҳи таваккалту ва ҳува роббул аршил азийм”-ни айтса, Аллоҳ унга ғам етказадиган нарсадан кифоя бўлур, унда содиқ бўлса ҳам, козиб бўлса ҳам», дедилар».

Буни ҳам ёдлаб олиб, доимо тонг ёки кеч вақтида ўқиб юрмоқ лозим.

Ҳамд ва шукр – барака омили

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴾

«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)-ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган) неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукрчилик қилсангизлар, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир”» (*Иброҳим сураси, 7-оят*).

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴾

«Эй имон келтирганлар, Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар ва Унга шукр қилингизлар!» (*Бақара сураси, 172-оят*).

Ҳамднинг маъноси мукаммал сано айтишдир. Унинг бошидаги алиф-лом эса арабларда истифрoқия дейилади. Яъни, бу бутун борлиқдаги ҳамду санолар Аллоҳ таолоники эканини билдиради. Ҳар бир хайрли ва аҳамиятли ишлар аввалида ҳамд айтмоқ мустаҳабдир. Масалан, таом егандан, сув ичгандан ва акса ургандан кейин ҳамд айтилади. Шунингдек, никоҳ ақди боғланаётган вақтда, халодан чиққандан кейин ҳам ҳамд айтмоқ мустаҳабдир.

Ҳамд айтишнинг фазилати

Жума хутбасида ҳамд айтиш хутбанинг фарзи ҳисобланади.

Уни айтиш вожиб бўлган энг кам миқдори “Ал-ҳамду лиллаҳ” – дейиш, суннат ва мустаҳаб-

ларига риоя этган ҳолда ўқилади. У араб тилида бўлиши шарт қилинган.


Ўзига, дўстига ёки бир мусулмонга неъмат етганда ёки бирор қийинчилик ариган вақтда Аллоҳ таолога ҳамд айтмоқлик мустаҳаб қилинди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Набий (алайҳиссалом)га Исро кечасида хамр ва сут қуйилган икки қадаҳ олиб келинди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у иккисига қарадилар-да, сутни танладилар. Шунда Жаброил (алайҳиссалом) у кишига: “Сизни фитратга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Агар хамрни танлаганингизда умматингизни йўлдан адаштирардингиз”, деди (*Имом Муслим ривояти*).

Уламолар ўртасида шукр ва ҳамднинг қай бири умумийроқ экани тўғрисида ихтилоф бор. Баъзи уламолар: “Албатта, шукр ҳамддан умумийроқ. Чунки у ҳам тил, ҳам аъзолар, ҳам қалб орқали айтилади. Ҳамд эса фақатгина тил билан айтилади”, дейишган. Баъзилар эса: “Ҳамд шукрдан кўра умумийроқдир. Чунки шукрда ҳамд маъноси бор. Шу билан бирга ҳамд шукр ўрнига қўйилган, лекин шукр ҳамд ўрнига қўйилмаган”.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши айтади: “Ал-ҳамду лиллаҳ” ҳар бир шукр айтувчининг сўзидир. Албатта, Одам (алайҳиссалом) акса урган вақтларида “Алҳамду-лиллаҳ” дедилар.

Аллоҳ таоло Нуҳ (алайҳиссалом)га бундай деди:



«Бас айтгин: “Бизларни золимлар қавмидан қутқарган Аллоҳга ҳамд (айтамиз)”» (Муъминун сураси, 28-оят).

Иброҳим (алайҳиссалом) айтади:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي وَهَبَ لِي عَلَى الْكِبَرِ إِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبِّي لَسَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴾ ﴿٣١﴾

«Менга кексаликда, Исмоил ва Исҳоқни берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Раббим дуони эшитувчидир» (Иброҳим сураси, 39-оят).

Довуд ва Сулаймон (алайҳиссалом) қиссаларида келади:

﴿ وَقَالَا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي فَضَّلَنَا عَلَى كَثِيرٍ مِّنْ عِبَادِهِ الْمُؤْمِنِينَ ﴾ ﴿١٥﴾

«Ва улар: “Бизларни кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган зот – Аллоҳга ҳамд бўлсин!”, дедилар» (Намл сураси, 15-оят).

Аллоҳ таоло бундай хабар беради:

﴿ وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَخِذْ وَلَدًا ﴾

«Ва айтинг: “Ҳамд фарзанд тутмаган Зот Аллоҳга бўлсин”» (Исро сураси, 111-оят).

Жаннат аҳли жаннатга кирган вақтда ушбу ҳамдларни айтади:

﴿ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ شَكُورٌ ﴾ ﴿٣٤﴾

«(Жаннатга кирган чоғларида) дейдилар: “Бизлардан қайғуни кетказган зот – Аллоҳга ҳамд (бўлсин)! Дарҳақиқат, Раббимиз мағ-

фиратли ва шукр соҳибидир» (Фотир сураси, 34-оят).

﴿وَأَخِرُّ دَعْوَتَهُمْ أَنْ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

«Дуоларининг охири эса: “Оламлар Парвардигори – Аллоҳга ҳамд!” дейишликдир» (Юнус сураси, 10-оят).

Мана шулардан кўриниб турибдики, “Алҳамдулиллаҳ” ҳар бир шукр айтувчининг сўзидир.

عن سمرة قال رسول الله صلى الله عليه وسلم أحب الكلام إلى الله أربع: سبحان الله، والحمد لله، ولا إله إلا الله والله أكبر لا يضرك بأيهن بدأت (رواه مسلم).

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳга калималарнинг энг маҳбуби тўрттадир: “Субҳоналлоҳ”, “Алҳамдулиллаҳ”, “Ла илаҳа иллаллоҳ” ва “Аллоҳу акбар” калималари. Бу зикр-тасбеҳларнинг қайси биридан бошланса, зарари йўқ”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

وعن أبي مالك الأشعري رضي الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: “الطهور شرط الإيمان والحمد لله تملأ الميزان وسبحان الله والحمد لله تملآن أو تملأ ما بين السماء والأرض” (رواه مسلم).

Абу Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Поклик” имоннинг ярмидир, “Ал-ҳамду лиллаҳ” тарозини тўлдиради, “Субҳоналлоҳ валҳамду лиллаҳ” осмон ва ер орасидаги нар-

саларни тўлдиради”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Жобир (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким “Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи” деса, у учун жаннатда бир хурмо дарахти экилади», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Дуони ҳамд билан бошлаш

عن فضالة بن عبيدٍ - قَالَ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يَدْعُو فِي صَلَاتِهِ لَمْ يُمَجِّدِ اللَّهَ تَعَالَى وَلَمْ يُصَلِّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «عَجَلٌ هَذَا». ثُمَّ دَعَاهُ فَقَالَ لَهُ أَوْ لِعَيْرِهِ «إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلْيَبْدَأْ بِتَحْمِيدِ رَبِّهِ جَلَّ وَعَزَّ وَالشَّاءَ عَلَيْهِ ثُمَّ يُصَلِّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ يَدْعُو بَعْدَ مَا شَاءَ» (رواه الترمذي).

Фазола ибн Убайд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозида Аллоҳ таолога ҳамд айтмасдан, Набий (алайҳиссалом)га салавот айтмасдан дуо қилаётган кишини кўрдилар ва “бу киши шошилди”, дедилар. Сўнгра ҳалиги кишини чақирдилар ва у кишига ё ундан бошқа кишига айтдилар: “Агар сизлардан бирингиз дуо қилса, дуосини Раббисига ҳамд-сано айтиш билан бошласин. Сўнгра Набий (алайҳиссалом)га салавот айтсин, шундан кейин эса хоҳлаган нарсасини сўраб дуо қилсин”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ҳамд жаннат йўлидан бир йўлдир

Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бир банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло малоикаларига:

– Бандамнинг фарзандини жонини олдингларми? – дейди.

Малоикалар жавоб берар экан:

– Ҳа.

– Унинг қалб мевасининг жонини олдингларми?

– Ҳа.

– Бандам нима демоқда?

– Сенга ҳамд айтяпти ва: “Биз ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтувчимиз” демоқда.

– Бандам учун жаннатда бир уй бино қилинлар ва уни “раҳмат уйи” денглар”, дедилар» (*Термизий ривояти*).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Аллоҳ таоло бирор бир нарса еб, унга ҳамд айтган ёки бирор бир нарса ичиб унга ҳамд айтган бандасидан рози бўлади”, дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Ҳамд ризқ калитларидан биридир

﴿وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ﴾

«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)-ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган) неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (улар-

ни янада) **зиёда қилурман**»» (*Иброҳим сураси, 7-оят*).

Шукр неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини айтиш ва уни Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлашдан иборат. Берилган неъматга шукр этиш инсоннинг тўғри йўлда эканлигини кўрсатади. Шукр этувчи инсон Аллоҳ таоло уни доимо кузатиб туришини ҳис этади ва неъмат етганда зоҳир бўладиган манманлик, исроф ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлардан холи бўлади. Натижада ўзига берилган неъматлардан фойдаланиб, яхши амалларни кўпайтиради. Шундан Аллоҳ таоло оятда айтганидек, ўз неъматларини ўша бандасига зиёда қилиб беради. Зеро, Аллоҳ таоло ҳеч қачон берган ваъдасига хилоф қилмайдиган Зотдир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким инсонларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким оз нарсага шукр қилмаса, кўпига ҳам шукр қилмайди. Кимки инсонларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди. Аллоҳ таоло неъматларини эслаш шукр, уни тарк қилиш гуноҳи азимдир. Жамоат бўлиш афзалдир, ундан ажралиш азобдир”» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Ҳамд ва шукр дуоларининг баъзилари

عن أبي سعيد كان إذا فرغ من طعامه قال: الحمد لله الذي أطعمنا و
سقانا و جعلنا مسلمين. (رواه أبو داود والترمذي)

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таом тановул қилгандан сўнг: “Бизларни таомлантирган, суғорган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин”, деб дуо қилар эдилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Таҳажжуддан кейинги дуо

وعن شداد بن أوس رضي الله عنه: أن رسول الله صلى الله عليه و سلم
كان يقول في صلاته: اللهم إني أسألك الثبات في الأمر و العزيمة على
الرشد و أسألك شكر نعمتك و حسن عبادتك و أسألك قلبا سليما
و لسانا صادقا و أسألك من خير ما تعلم و أعوذ بك من شر ما تعلم
و أستغفرك لما تعلم إنك أنت علام الغيوب.

Шаддод ибн Авс (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Албатта, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳажжуд намозларида: “Эй Аллоҳ, Сендан ишларда собитликни, тўғри йўлдаги азму қарорни сўрайман. Сендан неъматингга шукр қилишни ва ибодатингдаги гўзалликни сўрайман. Сендан соғлом қалбни, ростгўй тилни сўрайман. Сендан биладиган нарсаларингни ях-

шисини сўрайман ва биладиган нарсаларингни ёмонидан паноҳ сўрайман. Сенга Ўзинг билган гуноҳларим учун истиғфор айтаман. Албатта, Сен ғайбни билувчи Зотсан”, дер эдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَتُحِبُّونَ أَنْ تَجْتَهِدُوا فِي الدُّعَاءِ؟ قُولُوا: اللَّهُمَّ أَعِنَّا عَلَى شُكْرِكَ، وَذِكْرِكَ، وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Дуода ижтиҳод қилишни яхши кўрасизларми? “Эй Раббим, бизга Ўзингга шукр қилишга, зикр қилишга ва ибодатингни чиройли қилишга ёрдам бергин”, денглар – дедилар» (Имом Насоий ривояти).

НИКОҲДАГИ БАРАКА

Никоҳ улуғ бир ришта, у билан эр-хотин, қуდანда, миллат ва элатлар ораси боғланади.

﴿وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَسِعَ عِلْمُهُ﴾

«Ўз ораларингиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантиринглар. Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билувчи Зотдир» (Нур сураси, 32-оят).

“Никоҳ” сўзининг луғавий маъноси мужомаат (жинсий алоқа) қилиш, мажозан эса оила қуриш деганидир. Шариятда ийжоб ва қабул (икки

томон розилиги) билан ҳосил бўладиган ни-
коҳ туфайли эр-хотинга бир-биридан барча эҳ-
тиёжларини қондириш учун фойдаланмоқ ҳалол
бўлади. Жуфт-жуфт бўлиш – Аллоҳ таолонинг
яратишидаги суннатларидандир. Аллоҳ таоло
марҳамат қилади:

﴿ وَمِنْ كُلِّ شَيْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٤٩﴾ ﴾

«Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз
ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик»
(Зориёт сураси, 49-оят).

﴿ سُبْحَانَ الَّذِي خَلَقَ الْأَزْوَاجَ كُلَّهَا مِمَّا تُنْبِتُ الْأَرْضُ وَمِنْ
أَنْفُسِهِمْ وَمِمَّا لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٦﴾ ﴾

«Ер ундирадиган нарсалардан, (одамлар-
нинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган
нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган
(Аллоҳ)га тасбеҳ айтилу» (Ёсин сураси, 36-оят).

Аллоҳ таоло ҳаётнинг давомли бўлиши учун
ундаги ҳар бир нарсани жуфти билан, яъни бир
эркак ва бир аёл қилиб яратди. Оятда ҳам буни
тасдиғи ўлароқ бундай дейди:

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى ﴾

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир
эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик»
(Хужурот сураси, 13-оят).

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَجِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا
وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ﴾

«Эй одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан кўрқингиз!» (Нисо сураси, 1-оят).

Никоҳ – пайғамбарлар суннатидир

﴿ وَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُم أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً ﴾

«Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз» (Раъд сураси, 38-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хитоб қилинаётган ушбу оятда оилали бўлиш, уйланиш ва зурриётли бўлиш барча Пайғамбар (алайҳиссалом)ларнинг суннатлари эканлиги баён этилмоқда. Маълумки, пайғамбар (алайҳиссалом)лар Аллоҳ таолонинг энг суюкли, танлаб олган, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган бандаларидир. Улар инсоният тарихи давомида илоҳий қонун-қоидалар асосида яшашни кишиларга ўргатиб келган шахслардир. Ана ўшандай олиймақом зотларнинг ҳаммалари оилали ва зурриётли бўлишлари бежиз эмас. Бу барча инсонлар оилали бўлиб, зурриёт қолдиришга ҳаракат қилишлари керак эканлигини кўрсатади.

عن أبي أيوب. أربع من سنن المرسلين: الحياء و التعطر و النكاح و السواك (حم ت هب).

Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам): “Тўрт нарса анбиёларнинг суннатларидандир: ҳаё, хушбўйланиш, мисвок ишлатиш ва уйланиш”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Уйланишнинг фазилати

عن عبد الله بن مسعود قال خرجنا مع النبي صلى الله عليه وسلم ونحن شباب لا نقدر على شيء فقال يا معشر الشباب عليكم بالباءة فإنه أغض للبصر وأحصن للفرج فمن لم يستطع منكم الباءة فعليه بالصوم فإن الصوم له وجاء (رواه الترمذي).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга чиққан эдик. Биз ночор ёш йигитлар эдик. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй ёшлар жамоаси, ўзингизга никоҳни лозим тутинглар! Чунки у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Бас, сизлардан кимда-ким бунга қодир бўлмаса, ўзига рўзани лозим тутсин! Албатта, рўза у учун тийилишдир”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Уч киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг завжалари уйларига У зотнинг ибодатлари ҳақида сўраб келди. Бас, уларга (бу ҳақда) хабар берилганида худди у (ибодат)ни оз санагандай бўлдилар. Шунда улар: “Биз қаёқда-ю, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаёқдалар, У зотнинг ўтгану қолган гуноҳлари мағфират қилинган”, дедилар. Улардан бири: “Мен тунларни намоз ўқиш билан ўтказаман”, деди. Бошқаси эса: “Мен доимо рўза тутаман, оғзим

очик юрмайман”, деди. Яна бошқа бири: “Мен аёллардан четда бўламан, абадул абад уйланмайман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг олдиларига келиб: “Шундоқ, шундоқ, деганлар сизларми?! Аммо, Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг қўрқувчироғингизман ва Унга энг тақводорингизман. Лекин рўза ҳам тутаман, оғзим очик ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларга уйланаман ҳам. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

﴿ وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً ﴾

«Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар таскин топишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилишидир» (Рум сураси, 21-оят).

Келинлар қандай танланади?

Бизнинг соф динимиз уйланмоқчи бўлганларга қандай қилиб жуфти ҳалол танлаш керак эканлигини, унинг қай хислатларига эътибор бериш кераклигини баён қилиб берган.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аёл тўрт нарсаси учун никоҳланади: моли учун, шарафи учун, жамоли учун ва дини учун. Бас, диндорини танла, қўлинг тупроққа қорилгур”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Маъқал ибн Ясор (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Бир киши Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, бир жамолли ва шарафли аёл топдим. Аммо туғмас экан. Унга уйланаверайми?” – деди. “Йўқ”, дедилар. Кейин у зотга иккинчи марта келди. Яна қайтардилар. Сўнгра учинчи марта келганида: “Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглар. Мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингизни кўз-кўз қилувчиман”, дедилар» (*Имом Насоий ривояти*).

Куёв қандай танланади?

Ислом эр кишига қандай жуфти ҳалол танлашни ўргатгани каби турмушга чиқаётган аёлларга ҳам ўз турмуш ўртоғини қандай танлашнинг таълимини берган. Бу масалада уни ҳеч ким мажбурлашга ҳақи йўқ. Ота-она зиммасидаги масъулиятлардан бири ҳам ўз қизига муносиб куёв топиб, уни узатишдир.

Дини ҳақида

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, уни эрга беринг. Агар шундоқ қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлур”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Бу ҳадиси шарифдан дини ва хулқи мақталган йигит энг муносиб куёв бўлиши қаттиқ таъкидлангани келиб чиқмоқда. Дини ва хулқи рози бўладиган даражадаги киши томонидан қизини

келинликка сўраб келинганида, берилмаса, ер юзида фитна ва фасод иш қилинган бўлиши уқтирилмоқда. Биз мўмин-мусулмонлар куёв танлаш пайтида ушбу набавий маслаҳатларга амал қилсак, албатта, тўғри йўл тутган бўламиз.

Никоҳ ҳам ризқ калитларидан биридир

﴿ وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ ۚ إِنَّ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِيهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَسِيعٌ عَلِيمٌ ﴾

«Ўз ораларингиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантиринглар. Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билувчи Зотдир» (Нур сураси, 32-оят).

Ушбу ояти каримадаги хитоб ота-она, хожа ва мусулмон ишбошиларга қаратилиб, уларга ўз қарамоғидаги ўғил-қизлари, қулу чўрилари ва ёрдамга муҳтож ёру биродарларини никоҳлаб қўйишга бош-қош бўлиш амр этилмоқда. Мусулмон киши фақат ўзи никоҳда бўлиши билан кифояланиб қолмай, бошқа мусулмон биродарлари ҳам никоҳли бўлишлари учун ҳисса қўшиш лозимлиги шундан олинган. Шу боис мусулмонлар оиласиз юрган эркак ва аёлларга никоҳли бўлишни тарғиб қиладилар ва улар ўғил-қизларини, яқин кишиларини уйлаб-жойлаб қўйиш учун бутун имкониятларини ишга соладилар.

Мусулмонлар никоҳ ишида қийналиб қолган дин қардошларига ҳамisha ёрдамларини аямайдилар. Ояти каримада қул ва чўриларни

ҳам никоҳлаб қўйиш ҳақида сўз бораётгани алоҳида эътиборга сазовор. Қул ва чўрилар одам ўрнида кўрилмай турган бир даврларда Қуръони карим уларни уйли-жойли қилиб қўйиш ҳақида мусулмонларга фармон бериши Исломи дини ҳар томонлама қул ва чўриларнинг ёнини олишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Никоҳ ўта нозик масала бўлиб, бу ояти каримада фақир-фуқаро бўлиш, камбағаллик никоҳдан қочишга сабаб бўлмаслигига ҳам алоҳида ишора келмоқда. Бинобарин, бундан баъзи кишилар «қўли калталиқ»ни баҳона қилиб, никоҳни ортга суришлари мусулмончилик одобларига тўғри келмаслиги тушунилади.

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрсак, кўпчилик авваллари бепарво юрган бўлса ҳам оила қургач, жиддий ҳаракатга тушиб, иқтисодий аҳволларини яхшилаб олганларини кўрамиз.

Пайгамбаримизнинг никоҳ тўғрисида айтганлари

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: У зот айтади: “Олтин ва кумушни кон (махфий хазина) қилиб оладиганлар ояти тушгач, бу мусулмонларга оғир бўлди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) айтдилар: “Мен сизлардан уни енгиллатаман”. Бас, кетдилар ва “Эй Аллоҳнинг элчиси, бу оят асҳобларингизга оғир бўляпти”, дедилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Аллоҳ таоло закотни сизларга қолган молларингизни поклаш учунгина қилди. Ва яна сиздан кейингилар учун васият қилиб кетишни фарз қилди”. Умар (розияллоҳу

анҳу) такбир айтдилар ва: “Сизларга эр кишининг энг яхши хазинаси тўғрисида хабар берайми? Агар унга қараса, уни хурсанд қиладиган, агар бирор иш буюрса, унга итоат қиладиган ва агар йўқ бўлса, уни сақлайдиган солиҳа аёлдир”, дедилар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дунёнинг ҳаммаси мато (хузурланиш)-дир ва дунёнинг энг яхши матоси солиҳа аёлдир”, дедилар» (*Имом Муслим, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминларнинг имони комилроғи уларнинг хулқи чиройлироғидир. Сизларнинг энг яхшингиз аёлларингизга яхшилик қиладиганларингиздир”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Исо ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг чўриларини урманглар”, дедилар. Кейин Умар (розияллоҳу анҳу) келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, хотинлар эрларига бўйсунмай қўйдилар”, дедилар...

Сўнг Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг хузурларига кўплаб аёллар ўз эрларидан шикоят қилиб келдилар. Ўшанда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Батаҳқиқ, Муҳаммад оиласининг хузурига етмиш нафар аёл келди. Уларнинг ҳаммалари эрларидан шикоят қилишди. Ана ўшалар яхшиларингиз эмаслигини билинглар”, дедилар» (*Абу Довуд ривояти*).

Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Агар бир эркак киши ўз аёлини тўшакка чақирса ва аёли чақирикқа “лаббай” демаса, кейин эр ундан ғазабланиб тунни ўтказса, малоикалар ҳатто тонг отгунча аёлни лаънатлаб чиқади”» (*Муттафақун алайҳ*).

Умму Салама (розиаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси аёл эри ундан рози бўлган ҳолатда ўлса, жаннатга киради”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Муоз ибн Жабал (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қай бир хотин бу дунёда эрига озор берса, албатта, унинг ҳури ийндан бўлган хотини: “Унга озор берма! Аллоҳ ҳалок қилсин сени! У сенинг олдинда келгинди бўлиб турибди, холос. Яқинда сени тарк этиб, биз томон жўнайди” – дейди”, деганлар» (*Имом Термизий ривояти*).

РИБО – БАРАКАНИНГ КУШАНДАСИ

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُرِي الصَّدَقَتِ ﴾

«Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади...» (*Бақара сураси, 276-оят*).

“Рибо” луғатда “зиёда” маъносини англатади. Шариатда эса, молни молга алмаштиришда эвазсиз ортиқча мол олишга айтилади.

Рибо – судхўрлик бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига

бойлик орттиришдан иборат. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб, бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки яхши қарз бериш ўрнига, судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни, мен сенга маълум муддатга, фалон миқдор пул бераман, сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан, дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз кўшилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бир тоифа одамлар бошқаларнинг ночор ҳолидан меҳнатсиз бойлик орттириш учун фойдаланадилар. Рибохўрлик мавжуд бўлган жамиятда ноҳақлик, иқтисодий зулм авж олади. Оқибатда мол-мулк бир гуруҳ судхўрлар қўлига ўтиб, жамият уларнинг хоҳишига биноан яшашга мажбур бўлади.

Рибонинг йўллари

Набий (алайҳиссалом): “Рибо ўттиз етти эшикдир”, дедилар (*Ибн Можа, Баззор, Аҳмад ва Дорақутний ривояти*).

Билол (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га рибодан бўлган хурмо келтирдилар. Шунда Набий (алайҳиссалом): “Бу нима?” – дедилар. Билол (розияллоҳу анҳу): “Уни икки сўз эвазига бир сўмга сотиб олдим”, дедилар. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рибога вой бўлсин! Унга яқинлашмагин”, дедилар» (*Имом Насоий ва Имом Муслим ривояти*).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) дедилар: “Тиллага тилла, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз, ўхшашга ўхшаш, қўлма-қўл. Бас, ким зиёда қилса ёки зиёда қилишни талаб қилса, батаҳқиқ, рибога йўл қўйибди. Уни олувчи ҳам, берувчи ҳам барибир, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Рибохўрлар дунё ва охирадда азобдадир

Дунёдаги азоби:

Аллоҳ таоло рибо билан топилган мол-мулкни ҳалок қилади ва баракасини кетказади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Рибо агар кўп бўлса ҳам, охири оздир. Шунингдек, Аллоҳ таоло рибохўрларни маймун ва тўнғизларга айлантириб жазолайди”» (*Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, умматимдан бир тоифа инсонлар ёмон, бузғунчи ва лағв нарсалар устида бўладилар. Улар ҳаром нарсаларни ҳалол санагани учун, хамр ичгани, рибо егани ва ипак кийимларни кийгани учун маймун ва тўнғизга айланадилар”» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Рибо ейдиганлар ва уни ҳалол санайдиган инсонлар Аллоҳ таоло хабар берганидек:

﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ

أَلْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَاَ فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ
إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

«Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-со-тиқ) ҳам судхўрликнинг худди ўзи”, деган гапларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир» (Бақара сураси, 275-оят).

Албатта, рибохўр қиёмат кунида икки кўри-нишда қайта тирилади. Биринчиси: Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Судхўр мажнун ҳолатда бўлиб, қиёмат кунида рибохўр эканининг махсус аломати бўлади. Бу аломат билан мавқиф аҳли (ўша ерда турганлар) уни танийди.

Иккинчиси: Ваҳб ибн Мунаббих айтади: “Қиёмат кунида инсонлар қабрларида қайта тирилганда шошилиб чиқадилар. Фақатгина рибохўрлар шошилмай қоладилар. Албатта, улар ўринларидан туриб, йиқилиб, орқада қолиб, жин чалган кишидек ўзларини тутолмайдилар. Чунки улар дунёда рибо едилар. Шунинг учун қиёматда уларнинг қоринларида рибо сабабидан оғирлик пайдо бўлади. Улар шошилишни хоҳласалар-да, унга қодир бўлмайдилар”.

Бу иккинчи кўриниш аввалгисидан бошқадир. Чунки рибохўрлар қоринларидаги оғирлик сабабидан шошилишга имкон топа олмайдилар, унда мажнунликдан ҳеч қандай аломат йўқ.

Рибодан сақланиш ризқ калитларидан биридир

Банда қилган гуноҳи туфайли ризқидан маҳрум бўлади.

عن سلمان رضي الله عنه قال: أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «لا يرد القضاء إلا الدعاء و لا يزيد في العمر إلا البر» (رواه الترمذي).

Ҳазрат Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қазои қадарни фақат дуо қайтаради, умрни фақат яхши амал зиёда қилади”, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Ушбу ҳадиси шарифдаги “Қазои қадарни фақат дуо қайтаради” жумласининг маъноси, албатта, дуо сабабли қазои қадар ўзгаришининг ўзи ҳам қазои қадардандир. Қазои қадар Аллоҳ таолонинг илми, бандасининг дуо ва илтижолари билан унинг мусибати кетиши ёки енгил бўлиши ҳам Аллоҳ таолонинг илми ва тақдиридир. Тақдирда нима борлиги бандага маълум эмас. Банда қорни оч қолса, овқатланишга, касал бўлса, даволанишга муҳтож бўлганидек, доим Раббисидан талабини сўрашга ва дуо-илтижолар қилишга муҳтож.

Рибо инсонни ҳалокатга олиб борувчи етти катта гуноҳнинг биридир.

عن أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «اجتنبوا السبع الموبقات قالوا يا رسول الله وما هن قال الشرك بالله والسحر وقتل النفس التي حرم الله إلا بالحق وأكل الربا وأكل مال اليتيم والتولي يوم الزحف وقذف المحصنات المؤمنات الغافلات» (البخاري ومسلم).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Еттига ҳалок қилгувчи гуноҳдан сақланинглар”. Расулulloҳдан: “Улар қайсилар?” – деб сўрашди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Улар Аллоҳ таолога ширк келтириш, сеҳр, ноҳақ қон тўкиш, етимнинг молини ейиш, рибо ейиш, уруш кунида орқа ўгириб қочиш ва покиза, мўмина аёлга туҳмат қилиш”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

САДАҚА – БАРАКАНИНГ ОМИЛИ

Садақа ризқ калитларидан:

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга хутба ўқидилар: “Эй инсонлар! Ўлимингиздан олдин Аллоҳга тавба қилинглар! Машғул бўлиб қолмасингиздан олдин солиҳ амалларга шошилинглар! Ўзингиз ва Раббингиз орасини махфий ва ошкора кўплаб садақа ва зикр айтиш билан боғланглар! (Қийналганларга) ҳадылар беринглар, ёрдам беринглар!” – дедилар» (Ибн Можа ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ҳалол касб қилиб, Аллоҳ ризоси учун бир дона хурмочалик садақа берса, (Аллоҳ ҳалол касбдан топилган бойликдан қилинган садақанигина қабул этишини билдирган) Аллоҳ уни албатта қабул этади. Сўнгра, сизлар бир отни қандоқ боқиб кўпайтирсангиз, Ҳақ таоло ҳам берган садақангизни тоғ баробаринда шундоқ кўпайтириб қайтаради”, дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Садақа – жаннат йўлларида бири

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким эр-хотинга Аллоҳ йўлида инфоқ қилса, жаннатда нидо қилинади: “Эй Аллоҳнинг бандаси! Бу ишинг яхшидир. Бас, кимки намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади, ким жидду жаҳд аҳлидан бўлса, жидду жаҳд эшигидан чақирилади, ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади ва ким рўза аҳлидан бўлса, райён эшигидан чақирилади”, дедилар».

Садақанинг фазилати

Ҳаким ибн Ҳизом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Садақанинг афзали ёки садақанинг яхшиси бойликдан бўлганидир. Юқоридаги қўл пастдаги қўлдан яхшидир. Садақани едириб,

ичирадиган кишиларингдан бошла”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардаги ҳар бир бўғимингиз учун ҳар куни тонг отганда садақа бордир. Ҳар бир тасбеҳингиз (яъни, “Субҳоналлоҳ”, дейишингиз) садақадир. Ҳар бир ҳамдингиз (яъни, “Алҳамдулиллаҳ”, дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир таҳлилингиз (яъни, “Ла илаҳа иллаллоҳ”, дейишингиз) ҳам садақадир. Ҳар бир такбирингиз (яъни, “Аллоҳу акбар”, дейишингиз) ҳам садақадир. Яхшиликка буюришингиз ҳамда ёмонликдан қайтаришингиз ҳам садақадир. Чошгоҳ (зуҳо) пайтидаги икки ракат ўқиган намозингиз буларнинг барчасига кифоя қилади”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Садақанинг афзали

Сувнинг садақаси: Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «“Эй Расулуллоҳ, энг афзал садақа қайси?” – дедим. У зот: “Сув бериш”, дедилар» (Ибн Можа ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Бир киши Набий (алайҳиссалом)дан: “Садақанинг афзали қайси, эй Расулуллоҳ?” деб сўраганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Соғлом вақтида, хасислик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолида қилинган садақадир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз ҳалқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига,

унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам моллингиз фалончиларники бўлур», дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Аёл кишининг эрига қилган нафақаси садақадир

Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизни садақа қилишга буюрдилар. Шунда Абдуллоҳнинг аёли Зайнаб айтдилар: “Эрим камбағал, унга садақа қилишимга изн бериладими? Ва яна акамнинг болаларига ҳам фалон-фалон нарсаларни садақа қилиб тураман”. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, бўлади”, дедилар. У аёл қўл меҳнати билан машғул эди».

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Албатта, садақа Парвардигорнинг ғазабини ўчиради ва ёмон ўлимни даф қилади”» (*Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳ таоло садақани дунё ва охиратда зиёда қилиб беради. Чунки инсон ўзи фақир, муҳтож бўлатуриб инсонларга садақа қиладиган бўлса, ҳеч қачон Аллоҳ таоло уни дунёда ҳам, охиратда ҳам шундай ташлаб қўймайди.

ЗИНО БАРАКАНИ КЕТКАЗАДИ

Зино барча динларда қораланиб, Ислом динида ҳам энг катта гуноҳ ишлардан бири деб, ундан огоҳлантирилади.

﴿ وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا ﴾

«Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир» (Исро сураси, 32-оят).

Набий (алайҳиссалом) ҳадисларидан далиллар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الزَّيْفُ يُورِثُ الْفَقْرَ

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зино фақирликни пайдо қилади”, дедилар» (Байҳақий ривояти).

Зино – бу никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилишдир. Аллоҳ таоло каломи шарифида бундай марҳамат қилади:

﴿ الزَّانِي لَا يَنْكِحُ إِلَّا زَانِيَةً أَوْ مُشْرِكَةً وَالزَّانِيَةُ لَا يَنْكِحُهَا إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ ﴾

«Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрик аёлга уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик эркак уйланур» (Нур сураси, 3-оят).

Зинонинг тарқалиши қиёмат аломатларидандир. Анас ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «У зот айтади: “Сизларга мендан

кейин ҳеч бир киши айтмайдиган ҳадисни айтаман: “Набий (алайҳиссалом)дан эшитдим. У зот: “Илм камайиб, билимсизлик зоҳир бўлиши, зино кўпайиши, аёллар кўпайиб эркакларнинг камайиши қиёмат аломатларидандир. Ҳатто эллик аёлга бир эркак тўғри келади”, дедилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривояти*).

Зино гуноҳи кабиралардан биридир

Набий (алайҳиссалом)дан “Энг катта гуноҳ қайси?” деб сўралди. “Аллоҳ таолога ширк келтириш”, дедилар. “Сўнгра қайси?” – деди. “Болангни сен билан бирга таомланишидан қўрқиб ўлдиришинг”, дедилар. “Сўнгра қайси?” – деди. “Қўшнинг аёли билан зино қилишинг”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Зинонинг даражалари ва тури. Унинг баъзиси баъзисидан каттадир. Унинг катталари ўзига ҳаром қилинганлар билан зино қилиши. Бу ҳолат ғарб мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳамда бу иш худди қўшнисининг аёли билан зино қилиши каби зино турларининг энг хатарлиси ҳисобланади. Зино нафақат инсоннинг ўзига, балки у яшаб турган жамият учун ҳам жуда катта зарари ва иллатлар бор. Зино туфайли ҳозирда қуйида келадиган ишлар содир бўлади:

1. У сабабли инсон баданини ҳалок қиладиган турли хилдаги зарарли касалликлар пайдо бўлади. Ҳамда бу касалликлар авлоддан-авлодга ўтиб, унинг наслини ҳам нобуд қилади.

2. Зино қилган эркак-аёлга ўлим жазоси жорий бўлади. Шу билан бу ордан қутилиши мум-

кин, аммо ўзидан кейин фарзандлари, аҳли аёлини ва ота-онасини жуда катта шармандалик ва иснодга ташлаб кетади.

3. Зино туйфайли эр-хотин ўртасидаги, қариндошлар ўртасидаги, ота-она билан фарзанд ўртасидаги алоқалар бузилишига сабаб бўлади.

4. Зинокор эркак-аёлнинг ўз фарзандлари бўлса, шу ҳолат бўлганидан сўнг уларнинг тарбияси бузилади ва келажакда юрти учун манфаатсиз шахс бўлиб етишади.

5. Агар зино боис фарзанд туғиладиган бўлса, унга бу вафот этгунига қадар иснод бўлади.

Бўйдоқлик ҳадди

Фақиҳлар иттифоқ қилдиларки, бўйдоқ ҳур инсон зино қилса, албатта, унга юз дарра урилади. Бу жазода эркак ва аёллар баробардир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿الرَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُم بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَيْشَهِدَ عَذَابُهُمَا طَآئِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳар бирига юз дарра уринглар. Агар Аллоҳга ва охират кунига имон келтирувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг дини (ҳукми)да сизларни уларга (зинокорларга) нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин! Уларнинг жазоланишига бир гуруҳ мўминлар ҳозир бўлсинлар!» (Нур сураси, 2-оят).

ҲАЖ БАРАКОТДИР

Ҳаж Ислом рукнларининг бешинчисидир. Қодир бўлган муслмонга умрида бир марта ҳажга бориши фарзdir. Ҳажнинг фарз бўлиши куйидаги ояти карима ва ҳадиси шарифлар билан собит бўлган.

﴿وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا﴾

«Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) борdir» (Оли Имрон сураси, 97-оят).

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَحَجِّ الْبَيْتِ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ (رواه البخاري ومسلم).

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитдим: “Ислом беш нарса устига бино қилинган: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир” деб гувоҳлик бериш, намозни тўлиқ адо этиш, закот бериш ва Рамазон рўзасини тутиш”, дедилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ҳаж инсоннинг ўтган гуноҳларига каффорат бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَنْفُسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ (رواه البخاري).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онаси туққан кунидек ундан қайтади”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Шунингдек, умранинг ҳам ажр-савоби улкан, хоссатан, Рамазон ойида қилинган умра зиёрати яна ҳам фазилатлидир.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَعْدِلُ حَجَّةً» (رواه البخاري ومسلم).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рамазонда қилинган умра ҳажга баробар бўлади”, дедилар».

Ҳаж ва умранинг ўзига хос фазилатлари бор. Аввало, инсоннинг билиб-билмай қилган гуноҳларига каффорат бўлади. Шу билан бирга, инсондан фақирликни кетказади ва ҳаётига баракот олиб келади.

عن جابر بن عبد الله رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: أديموا الحج و العمرة فإنهما ينفيان الفقر و الذنوب كما ينفي الكير خبث الحديد» (رواه الدارقطني).

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаж ва умрани давомли қилинганлар. Албатта, ҳаж ва умра босқон темир зангини кетказгандек, фақирлик ва гуноҳни кетказади”, дедилар» (*Имом Дорақутний ривояти*).

عن جابر بن عبد الله رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «ما أmeer حاج قطُّ» يعني ما افتقر» (رواه الطبراني).

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаж қилувчи ҳеч фақир бўлмади”, дедилар» (*Имом Табароний ривояти*). Мазкур ҳадиси шарифлардан ҳаж ва умра қилувчи дунё охира- рат яхшиликларига етиши маълум қилинмоқда. Ҳаж ва умра охира- т амали, унда дунё ва охи- рат яхшиликлари дуо қилиб сўралади. Дуолар ижобат бўладиган ўринда ва вақтда ҳаётнинг баракаси, халқнинг фаровонлиги сўраб илтижо қилинади. Ана шу дуолар баракаси инсонлар ҳаётида, албатта, бўлади.

ТИЖОРАТНИНГ БАРАКАСИ

Тижорат фойда кўриш талабида сармояни тасарруф қилишдир. Савдо (байъ) ўзаро розилик билан молни молга алмаштиришдир. Инсонлар- нинг ўзаро савдо қилишга доимий эҳтиёжлари бор. Яратган Аллоҳ таоло бандаларининг эҳтиё- жини эътиборга олиб савдони ҳалол, рибони ҳа- ром қилди.

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни эса ҳа- ром қилган» (*Бақара сураси, 275-оят*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз- лари савдо билан шуғулланганлар. Савдонинг баракали, ҳалол касб эканлиги бир неча ҳадис- ларда баён қилинган.

عن نعيم بن عبد الرحمن الأزدي ويحيى بن جابر الطائي مرسلًا تسعة
أعشار الرزق في التجارة و العشر في المواشي (ص).

Нуъайм ибн Абдурахмон Аздий ва Яҳё ибн Жобир Тоий ушбу ҳадисни мурсал санад билан ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ризқнинг ўндан тўққизи тижоратда ва ўндан бири чорвададир”, дедилар» (*Саид ибн Мансур ўз сунанида ривоят қилган*).

Муоз (розияллоҳу анҳу) ривоятида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Касбларнинг яхшироғи гапирганида ёлғон ишлатмайдиган, омонат қўйилганида хиёнат қилмайдиган, ваъда берганида хилоф қилмайдиган, сотиб олганида ёмонламайдиган, сотган вақтларида алдамайдиган, беришда чўзмайдиган, олишда қийнамайдиган тижоратчиларнинг касбидир», деганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Касбларнинг энг яхшиси манфаати умумий, сердаромад ва баракали тижорат ҳисобланади. Аллоҳ таоло тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилди. Албатта, тижоратда риоя қилиниши лозим бўлган одоблар бор.

1. Шариатда ҳаром бўлган нарсалар савдосидан сақланиш, яъни емоқ ва ичмоқ ҳаром бўлган нарсаларни сотиш жоиз эмас.

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитдим. У зот фатҳ кунида: “Албатта, Аллоҳ таоло ва унинг Расули хамр, чўчқа, ўлимтик ва бут-санамлар савдосини ҳаром қилди”, дедилар» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

2. Ўзидаги ортиқча ичимлик сувини сотиш жоиз эмас.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ортиқча сувни сотишдан қайтарди”, дедилар».

3. Савдода қасам ичиш жоиз эмас.

Абу Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитдим. У зот: “Савдода кўп қасам ичишдан сақлан! Қасам савдони юргизади, сўнгра баракасини кетказади”, дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

4. Бошқанинг савдоси устига савдо қилиш жоиз эмас.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирингиз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин”, дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нажш (нархни сунъий ошириш) савдосини қилманглар”, дедилар».

Тижоратнинг баракаси савдонинг ҳалол бўлишига боғлиқ. Агар савдога ёлғон аралашса, хиёнат қилинса, унинг баракаси кетади. Арпа ва буғдой каби донларни намлаб ёки тупроқ аралаштириб сотиш ёки қўй гўштига эчки гўштини аралаштириб сотиш савдонинг баракасини кетказадиган хиёнат ҳисобланади.

Ҳаким ибн Ҳизом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сотувчи ва харидор ҳали

ажрашмаган (яъни, ижоб ва қабул билан савдо-ни тугатмаган экан, савдо ақдида) экан, савдо ихтиёрлидир. Агар иккови ҳам рост гапирса, молнинг айб-нуқсонини баён қилса, савдоларига барака берилади. Агар (айбини) яширса ва ёлғон аралаштирса, савдоларидан барака ўчирилади»» (Муттафақун алайҳ).

Савдо ёки бошқа муомалаларда бўлсин, инсон ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди. Ҳамма ҳам нарса сотиб олишда алданишни ёмон кўради. Алданишни ёмон кўрган киши бошқаларни ҳам алдамаслиги лозим.

عن أنس قال: قال رسول صلى الله عليه وسلم: "لا يؤمن أحدكم حتى يحب لأخيه ما يحب لنفسه"

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсасини биродарига ҳам яхши кўрмагунича мўмин бўла олмайди” (Имом Муслим ривояти).

Хулоса қилиб айтсак, ҳалол-пок йўллар билан тижорат қилиш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақтаганларидек, энг баракали касбдир.

ЗАКОТ ВА БАРАКА

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿وَمَا آتَيْتُم مِّن رَّبٍّ لَّيْرَبُوءَ فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرِبُوءَ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا آتَيْتُم مِّن زَكَاةٍ تُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ﴾

«Одамларнинг мол-мулки кўпайсин деб сизлар берган рибо (фоиз)ларингиз, Аллоҳ назди-

да (ҳеч нарсани) кўпайтирмайди! Аллоҳнинг “юзи”ни мақсад қилиб берган закотингиз эса, бас, айнан ўшалар кўпайтирувчилардир!» (Рум сураси, 39-оят).

Ато ибн Абу Рабоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, у киши айтади: «Биз Ибн Умар билан бирга эдик. Шунда басралик бир йигитча келиб, Ибн Умардан бир нарса ҳақида сўради. У зот: “Ҳозир сенга бу ҳақда хабар бераман”, деб жавоб қайтарди ва шундай деди: “Мен Расулуллоҳнинг ҳузурларидаги ўн кишининг бири эдим. У зотнинг масжидларида Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ибн Масъуд, Ҳузайфа, Абу Саид Худрий, яна бир киши ва мен бор эдик. Шунда ансорлардан бири келиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салом берди, сўнг ўтириб:

– Ё Расулуллоҳ, мўминларнинг қайси бири афзал? – деди.

– Хулқи гўзали, – дедилар.

– Мўминларнинг қайси бири зийракроқ? – деб сўради.

– Ўлимни кўпроқ эслайдиган ва келишидан олдин унга кўпроқ тайёргарлик кўрадиган кишилар зийракдир, – дедилар.

Сўнг бироз жим бўлиб, бизларга юзландиларда: “Бирор бир қавмда ахлоқсизлик, бузуқликлар тарқалса, албатта, улар орасида ўлат касаллиги ва ота-боболарида учрамаган турли касалликлар пайдо бўлади. Агар тарози ва ўлчовларида уриб олишса, албатта, очарчилик, қаҳатчилик ва султоннинг уларга қиладиган зулми ила жазоландилар. Молларининг закотини бермасалар, осмондан ёмғир ёғилишидан маҳрум бўладилар, агар

чорвалар бўлмаганида, уларга ёмғир ёғилмас эди. Агар Аллоҳ ва Расулига берган аҳду паймонларини бузсалар, Аллоҳ таоло уларнинг устиларидан душманларини ҳукмдор қилиб қўяди ва қўл остиларидаги айрим нарсаларни тортиб олади. Агар уларнинг пешволари Аллоҳ таолонинг Китоби ила ҳукм чиқармайдиган бўлса, Аллоҳ таоло уларнинг офат-кул-фатларини ораларида қилиб қўяди», дедилар».

Закот ризқ калитидир

Имом Фахриддин Розий (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг тафсирида мазкур ояти карима ҳақида шундай дейди: «Закот Аллоҳ таоло наздида кўпайиб боради, бу ҳақда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Қилинган садақа Раҳмоннинг қўлига тушади. Сўнг у бамисоли тоғ бўлганига қадар ўсиб боради. Шундай экан, закотни адо этишга янада кўпроқ ғайрат қилиш лозим бўлади”. Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳнинг “юзи”ни мақсад қилиб берган закотингиз эса, бас, айнан ўшалар (ўз савобларини) кўпайтирувчилардир»**, деб марҳамат қилган сўзидаги ўз савобларини кўпайтирувчилар худди бой-бадавлат киши кабидир. Берган закоти эвазига энг камида 10 баробар кўпайтириб берилади. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда қилинган ҳар бир яхшилик 10 баробар кўпайтириб берилади, дейилади. Албатта, биз бу 10 баробар деган тушунчани миқдор маъносида олмаслигимиз керак. Яъни, ким бир нон садақа қилса, бунинг эвазига Аллоҳ таоло унга 10 та нон беради дегани эмас. Балки бунинг маъноси шуки, банда Аллоҳ

таолонинг раҳматини истаб савобли иш қилса, Аллоҳ таоло унга ўз фазлу марҳамати ила 10 баробар кўпайтириб беради. Биргина садақа қилинган нон эвазига Аллоҳ таоло ўз раҳмати ила жаннатда унга бир қаср ато қилади. Ўз фазлу марҳамати билан эса 10 та қаср ҳам бериши мумкин. Аслида Аллоҳ таолога нисбатан бирор нарсани мисол қилиб келтирса бўлмайди, лекин зеҳнимизга осон етиб бориши учун бир мисол келтириб ўтамыз. Бир буюк подшоҳ ўзининг қулидан бир дирҳамлик ҳадя қабул қилсаю, кейин бунинг эвазига уни 10 дирҳам билан мукофотласа, бу саховат деб қаралмайди. Одатда бундай ҳолатларда подшоҳлар минг дирҳам билан мукофотлайди. Агар 10 минг дирҳам билан мукофотласа, шунда унга нисбатан кўпайтириб берибди, дейилади.

Закот

Закот луғатда “поклик”, “ўсиш”, деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса махсус молдан махсус жузини махсус шахсга Аллоҳ ризолиги учун мулк қилиб беришдир. Хур, мусулмон, балоғат ёшига тўлган, ақлли киши агар моли тўлиқ нисобга етиб, бир йил муддат ўтган бўлса, закотни адо қилиши вожиб бўлади. Ёш гўдак, мажнун, мукотаб қул ва зиммасида бутун молича қарзи бор кишига закот бериш вожиб бўлмайди. Агар моли қарзидан ошиқ бўлса ва қолган моли нисобга етса, ундан закот беради. Яшаётган ҳовлиси, киядиган кийимлари, уйдаги жиҳозлар, миниб юрган уловлари, хизматидаги қуллари, ишлатаётган иш қурол-

ларидан закот берилмайди. Закот бериш фақат адо қилинаётган пайтда ёки вожиб миқдорни ажратиб олаётган вақтда ният қилиш ила жоиз бўлади. Закот Қуръони карим, суннат ва умматнинг ижмоси билан собит бўлган фарз амалдир. Бугунги кунда кўплаб мусулмонлар бу борада эътиборсизликка йўл қўйишмоқда. Закот адо қилиш ила киши халқ орасидаги баъзи бир фақир табақадаги кишиларга яқинлашади, уларнинг қалбларига дўстлик, муҳаббат уруғлари экилади ва ҳасад ва гина-кудурат каби разил амалларга барҳам берилади.

Закотнинг намоз билан ёнма-ён зикр этилиши

“Закот” сўзи Қуръони каримнинг 82 ўрнида намоз билан ёнма-ён зикр қилинган. Шунингдек, ҳадиси шарифларнинг кўпларида ҳам уни бирга тилга олинган. Жумладан, Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Мен инсонлар: “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ” деб гувоҳлик бергунларича ва намозни қоим қилиб, закотни адо этгунларича уларга қарши курашишга буюрилдим. Фақат Ислом ҳақи бундан мустасно, уларнинг ҳисобкитоби Аллоҳ таологадир”».

Закотнинг фазилати

Ҳасан (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Молларингизни закот ила сақланглар. Касалларингизни садақа ила даволанглар ва бошга

тушган бало-мусибатларни бартараф этилишини Аллоҳ таолодан илтижо қилиб сўранглар”, дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Закот жаннат йўлидир

Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир банда Аллоҳ таолога ширк келтирмаган ҳолда ибодат қилса, намозни қоим қилса, закотни адо этса, Рамазонда рўза тутса ва гуноҳи кабиралардан узоқ бўлса, албатта, жаннатга киради”, дедилар» (Ибн Ҳиббон ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар молинг закотини берсанг, зиммангдаги ҳақни адо этган бўласан. Ким ҳаромдан мол тўпласа, сўнг уни садақа қилса, бундан унга бирор савоб бўлмайди. Балки унинг мажбурияти зиммасига юкланади”, дедилар» (Ибн Ҳиббон ривояти).

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Агар молинг закотини адо қилсанг, ўзингдан молнинг ёмонлигини кетказибсан”, дедилар».

Закот молларни поклайди

Нофеъ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Ибн Умар (розияллоҳу анҳу): “Ҳар бир закоти адо қилинган мол канз (ҳазина, йиғиладиган бойлик) эмас. Закоти адо қилинмаган барча моллар ер остида яширилмаган бўлса ҳам канз-

дир”, дейдилар (Имом Шофиъийнинг «Муснад»ида зикр қилинган).

Холид ибн Асламдан ривоят қилинади, у киши айтади: «Мен Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоху анху) билан бирга йўлга чиқдим. Бир аъробий киши менга Аллоҳ таолонинг: **«Олтин ва кумушларни кон (махфий хазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб ҳақида “хушхабар” беринг!»** ояти ҳақида хабар бер, деди. Ибн Умар: “Ким молини йиғиб қўйиб, унинг закотини адо қилмас экан, унга вайл бўлсин”, деганидир. Албатта, бу закот хусусидаги ояти карима ҳали нозил бўлишидан илгари эди. У ҳақида оят нозил бўлгач, Аллоҳ таоло закотни молларни покловчи қилиб қўйди”, дедилар».

Закотнинг турлари

Закотнинг турлари учтадир:

1. Нафснинг закоти – бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятидан олингандир: **“Нафс ва (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан. Дарвоқе, унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган.** (Мазкурлар билан қасамёд этаманки) **ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топур”** (*Шамс сураси, 7–9-оятлар*).

2. Баданнинг закоти – кумуш нисоби миқдорича моли бўлган кишининг зиммасига вожиб бўлади.

3. Молларнинг закоти чорвалар, тилло-кумушлар, экин-тикин, мева-чевалар, тижорат моллари, топиб олинган хазиналарни ҳам ўз ичига олади.

Закот бериладиган ўринлар

Закотни Аллоҳ таолонинг сўзида акс этган ўринларга сарфлаш вожиб бўлади:

﴿ إِنَّمَا الصَّدَقَتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ
فُلُوقِهِمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَرَمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَبْنِ السَّبِيلِ
فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلَيْهِ حَكِيمٌ ﴾

“Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли Зотдир” (Тавба сураси, 60-оят).

ЎЗИНИ ИБОДАТГА БАҒИШЛАШ

Қуръони каримда:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾ مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا
أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونِ ﴿٥٧﴾ ﴾

Яъни: «Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирор ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини ҳам истамасман» (Зориёт сураси, 56–57-оятлар).

Ҳадиси шарифда:

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إن الله يقول:

ابن آدم تفرغ لعبادتي أملاً صدرك غني وأسد فقرك وإن لا تفعل ملأت يدك شغلاً ولم أسد فقرك» (رواه أحمد وابن ماجه).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Эй Одам боласи, агар ўзингни Менга ибодат қилиш учун бағишласанг, бағрингни бойлик ила тўлдираман. Фақирлик (эшигини) тўсаман. Агар бундай қилмасанг, икки қўлингни машғул қилиб қўяман ва фақирлик эшигини ёпмайман”, дедилар» (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

“Ибодат” сўзи луғатда “қулчилик қилиш”, “итоат қилиш”, “бўйсуниш” маъноларини билдиради.

Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилишга сабаб бўладиган барча тоатлар – намоз, рўза, закот каби амаллар ва барча маъсиятлардан узоқда бўлиш билан бирга қилинадиган хайрли амалларга айтилади. “Ибодат” сўзи ўз замирига кўп маъноларни қамраб олади.

Ибодатнинг фазилати

1. Ёш вақтидан Аллоҳ таолога ибодат қилиб улғайган кишини Аллоҳ таоло қиёмат куни ўз соясида соялантиради:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول : سبعة يظلهم الله في ظله يوم لا ظل إلا ظله الإمام العادل والشاب نشأ في عبادة الله عز وجل ورجل قلبه معلق بالمساجد ورجلان تحابا في الله اجتماعاً على ذلك وتفرقا عليه ورجل دعتة امرأة

ذات منصب وجمال فقال إني أخاف الله ورجل تصدق بصدقة فأخفاها حتى لا تعلم شماله ما تنفق يمينه ورجل ذكر الله خاليا ففاضت عيناه (رواه البخاري ومسلم).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Етти кишини Аллоҳ таоло бирор соя бўлмай, фақат Ўзининг сояси бўладиган кунда соялантиради: адолатли пешво, ёшлигидан Аллоҳ таолога ибодат қилиб улғайган йигит, қалби масжидларга боғланган киши, Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўрган, Аллоҳ учун жамланиб, Аллоҳ учун тарқаладиган икки киши, обрўли, чиройли аёл фаҳшга чақирганида: “Мен Аллоҳ таолодан кўрқаман”, деб айтган киши, Аллоҳ йўлида садақа қилиб, ўзгалардан махфий тутган, ҳатто ўнг қўли инфоқ-эҳсон қилганини чап қўли билмайдиган киши ҳамда ёлғиз қолганида Аллоҳ таолони зикр қилиб кўз ёш тўкадиган киши”, дедилар» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

2. Фитналар кўпайган машаққатли пайтда ибодатни маҳкам тутиш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига ҳижрат қилганлик савобига тенг бўлади. Бу ҳақда Маъқал ибн Ясор (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фитналар бўлиб турган пайтда ибодат қилиш менинг ҳузуримга ҳижрат қилганчалиқдир”, дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

3. Агар ибодатли мўмин касал бўлиб, қилиб юрган амалларини бажара олмай қолса, унга олдингидек савоб ёзилишда давом этаверади. Бу ҳақ-

да Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Банда агар гўзал йўл – ибодат йўлида бўлса, сўнгра бетоб бўлиб қолса, унга вакил қилинган фариштага: “Бетоб бўлмаган ҳолида бажариб юргандаги амалларни ёзиб бор, дейилади”, деганлар».

4. Ибодат сабабли банданинг даражаси кўтарилади. Айниқса, намоз ибодати туфайли, чунки унда Аллоҳ таолога сажда қилинади. Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор банда Аллоҳ таолога сажда қилса, Аллоҳ таоло эвазига бир яхшилик битади, ундан бир ёмонликни ўчиради ва мартабасини бир даража кўтаради. Шунинг учун ҳам сажда қилишни кўпайтиринглар”, дедилар».

5. Аллоҳ таолога ибодат қилиш, барча ишда Аллоҳ таолони ёлғиз билиш, У зотга бирор нарсани шерик қилмаслик дунё ва охиратдаги ютуғи ва саодатига йўлдир. Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «У киши айтади: “Бир куни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг ҳузурига бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ, мен қиладиган шундай бир амалга йўл кўрсатингки, у амал мени жаннатга яқинлаштириб, жаҳаннамдан узоқлаштирсин”, деди. у зот: “Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмаган ҳолингда ибодат қиласан, намозни адо этасан, закотни берасан, қариндошларинг билан алоқани боғлайсан”, дедилар. Сўраган киши кетганида у зот: “Агар у мен буюрган нарсаларни маҳкам тутса, жаннатга киради”, дедилар».

Унутиб қўйиладиган баъзи ибодат турлари

1. Аллоҳ таолога нисбатан яхши гумонда бўлиш.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таолога нисбатан гўзал гумонда бўлиш – гўзал ибодатдир”, дедилар» (*Имом Аҳмад ривояти*).

2. Дуо:

Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дуо қилиш – ибодатдир”, деб қуйидаги ояти каримани ўқидилар:

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ ﴾

«Парвардигорингиз: “**Менга дуо қилинглар, Мен сизларга** (дуоларингизни) **мустажоб қиламан**”, деди» (*Ғофир сураси, 60-оят*).

3. Сабр:

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таолодан У зотнинг фазлини сўранглар, чунки Аллоҳ таоло бандалари ўзидан сўрашини яхши кўради. Энг афзал ибодат енгилликни кутишдир”, дедилар».

4. Мусхафга назар солиш:

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Кўзларингизга ибодатдан насибасини беринглар, у Мусхафга назар солиш, ундаги оятлар ҳақида тафаккур қилиш ва ажойиб ўринларига эътибор қаратиш”, дедилар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Яна Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Умматимнинг энг афзал ибодати Қуръони каримни тиловат қилишидир” (*Имом Байҳақий ва Имом Термизий ривоятлари*).

5. Фикҳ:

Ибн Умар (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ибодатнинг афзали фикҳдир, диннинг афзали Худодан кўрқишдир”, дедилар» (*Имом Табароний ривояти*).

6. Тафаккур:

Анас (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Дунёда энг афзал зуҳд – бу ўлимни эшлашдир, энг афзал ибодат тафаккурдир, ўлимни эшлаш кимни оғирлаштириб қўйса, у қабрини жаннат боғларидан бир боғ ҳолда топади”, дедилар» (*Имом Баззор ривояти*).

7. Сукут сақлаш:

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизларга энг осон ва баданга енгил ибодат ҳақида хабар берайми? У сукут сақлаш ва гўзал хулқдир”, дедилар.

Яна шундай деганлар: “Ибодатнинг энг аввали сукутдир”.

8. Каъбага, ота-онага, Замзам сувига ва олимнинг юзига назар солишнинг фазли.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Беш нарса ибодатдандир: Мусҳафга назар солиш; Каъбага назар солиш; ота-онага назар солиш; Замзам сувига назар солиш. Бу хатоларни ювиб юборади. Ҳамда олимнинг юзига назар солиш”, дедилар (*Имом Дорақутний ва Имом Насоий ривояти*).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «У киши деди: “Бир киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, қайси амал энг афзалдир?” деб сўради. У зот: “Аллоҳ йўлида ўз моли ва жони билан жидду жаҳд қилган киши”, дедилар. Сўнгра ким, деб сўради ҳалиги киши. У зот: “Дара жойларда Аллоҳ таолога ибодат қилиб, инсонлар ёмонликларини тарк қилган мўмин кишидир”, деб жавоб бердилар».

Ибодатни бардавом қилиш фазилати

1. Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади, у киши айтадилар: «Менинг олдимда Бани Асад қабиласидан бўлган бир аёл ўтирган эди. Шу ҳолатда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдимга кириб келдилар ва: “Ким бу?” деб сўрадилар. Мен: “Кечаси ухламай намозида зикр қиладиган фалончи аёл”, деб таништирдим. Шунда У зот (алайҳиссалом): “Бундай қилманглар. Тоқатларингиз етган амалларни қилинглар. Чунки Аллоҳ таоло малолланмайди, сизлар малолланиб қоласизлар”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

2. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, у киши айтадилар: “Уч киши Пайғамбаримиз аёлларининг уйларига бориб, У зотнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Улар ибодатлари ҳақида хабар топишгач, гўёки оз санагандай бўлишиб:

– Биз қаердаю, Пайғамбаримиз қаердалар? Холбуки, Аллоҳ таоло у зоти шарифнинг олдин-

гию кейинги хатоларини кечириб юборган бўлса, – дейишди. Шундай қилиб уларнинг бири:

– Энди мен бирор кун қолдирмай кечаси билан намоз ўқиб чиқаман, – деди.

Яна бири:

– Мен бирор кун қолдирмай рўза тутиб оғзимни очмайман, – деди.

Яна бири:

– Мен эса аёлларни тарк этаман, ҳеч қачон уйланмайман, – деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳолатдан хабар топгач:

– Фалон, фалон сўзларни айтган сизларми? Аллоҳга қасамки, мен сизлардан Аллоҳ таолодан энг қўрқадиган ва тақводор бўлишимга қарамай, рўза тутаман, тутмайман ҳам, намоз ўқиб чиқаман, ухлайман ҳам, аёлларга ҳам уйланаман. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмасдир, – дедилар.

Илм олиш фазилати

Абу Умома Боҳилий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: у киши айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га обид ва олим бўлган икки киши зикр қилинди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Олимнинг обиддан фазли (ортиқлиги) худди мен билан сизларнинг даражаси қуйироқ бўлганларингиздан бўлган фазлим кабидир”, дедилар. Сўнг гапларини давом эттириб: “Албатта, Аллоҳ таоло, У Зотнинг фаришталари, осмон ва ер аҳллари ҳатто ўз инидаги чумоли, ҳатто балиқлар инсонларга

яхшилиқни ўргатувчи муаллимга салавот айтадилар», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

ОТ ВА ҚЎЙЛАРДАГИ БАРАКА

Аллоҳ таоло инсонни муқаррам қилиб, унга ададсиз неъматлар берди. Ана шу неъматлардан бири чорва ҳайвонларини инсонга бўйсундириб, ундан кўп манфаатлар кўрадиган қилди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا خَلَقْنَا لَهُمْ مِمَّا عَمِلَتْ أَيْدِيئَانَا أَنْعَمًا فَهُمْ لَهَا مَالِكُونَ ﴿٧١﴾ وَذَلَّلْنَاهَا لَهُمْ فَمِنْهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ ﴿٧٢﴾ وَهُمْ فِيهَا مَنَّعُ وَمَشَارِبٌ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾﴾

«Ахир улар учун Ўз “қўлимиз” иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Мана улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар. Биз ўша (ҳайвон)ларни уларга бўйсундириб қўйганмиз. Яна уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)лардан ва ўшалардан (гўшларидан) егайлар. Яна улар учун ўша (ҳайвон)ларда (турли) фойдалар ва ичимлик (сут-қаймоқ)лар бордир. Ахир, шукр қилмайдиларми?» (Ёсин сураси, 71–73-оятлар).

Бу ояти қаримада Аллоҳ таоло ҳайвонларни инсон учун яратганини маълум қилиб, бандасини шукрга чақиряпти. Чорва ҳайвонларида инсоният учун кўплаб манфаатлар бор. Яъни, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади. Жунларидан иссиқ-совуқдан ҳимоя қилувчи кийимлар тўқилади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْخَيْلُ ثَلَاثَةٌ فَفَرَسٌ لِلرَّحْمَنِ وَفَرَسٌ لِلْإِنْسَانِ وَفَرَسٌ لِلشَّيْطَانِ فَأَمَّا فَرَسُ الرَّحْمَنِ فَالَّذِي يُرْتَبُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَعَلْفُهُ وَرَوْتُهُ وَبَوْلُهُ وَذَكَرَ مَا شَاءَ اللَّهُ وَأَمَّا فَرَسُ الشَّيْطَانِ فَالَّذِي يُقَامِرُ أَوْ يَرَاهُنَّ عَلَيْهِ وَأَمَّا فَرَسُ الْإِنْسَانِ فَالْفَرَسُ يَرْتَبُهَا الْإِنْسَانُ يَلْتَمِسُ بَطْنَهَا فَهِيَ سِتْرٌ مِنْ فَقْرٍ (رواه أحمد).

Абуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “От уч турли: Раҳмон учун бўлган от, инсон учун бўлган от ва шайтон учун бўлган от. Раҳмон учун бўлгани Аллоҳ йўлида боғланади. Унинг емида ҳам, тезагида ҳам ва бавлида ҳам ажр бор ва ундан бошқа Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни зикр қилди. Шайтон учун бўлган от қимор ўйналадиган ёки гаров қўйиладиган отдир. Инсон учун бўлгани унинг қорни талабида, яъни кўпайиши талабида бўлинган отдир. Бу от инсонни фақирликдан тўсади”, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Отнинг наслини сақлаш ва уни кўпайтириш мақсадида боқилса, инсонни фақирликдан сақлайди, дейилмоқда. Бошқа ҳадисларда отни мутлақ мақталиб, хайр-баракага сабаб бўлиши ҳақида зикр қилинади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْبُرْكََةُ فِي نَوَاصِي الْخَيْلِ (رواه البخاري).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам): “Барака отларнинг ёлларидадир”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шунингдек, қўйда барака борлиги қўйдаги ривоятларда айтилади:

عن أم هانئ أن النبي صلى الله عليه وسلم قال لها اتخذني غنما فإن فيها بركة (رواه ابن ماجه).

Умму Ҳоний (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Умму Ҳонийга қарата: “Қўй боқ, албатта, унда барака бор”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Модомики чорва ҳайвонлари инсон учун неъмат қилиб берилган экан, уларга яхши муносабатда бўлиш талаб этилади. Акс ҳолда, неъматга ношукрлик бўлади.

عن سهل بن حنظلة: أن رسول الله مر ببعير قد لحق ظتره ببطنه فقال: «اتقوا الله في هذه البهائم المعجمة اركبوها سالحة وكلوها سالحة»

Саҳл ибн Ҳанзала (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир туянинг олдидан ўтдилар. У туя озғинлигидан эти суягига ёпишиб кетган эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу тилсиз ҳайвонлар тўғрисида Аллоҳ таолодан қўрқинлар! Уларни яроқли ҳолатида мининглар ва (сўйиб) енглар”, дедилар» (Ибн Ҳузайма ривояти).

СИРКА ВА БАРАКА

Инсон емоқ-ичмоғида, яъни дастурхонида барака бўлишини Яратган Аллоҳдан сўрайди. Дастурхоннинг баракали бўлишида омиллар кўп. Ана шу омиллардан бири сирка бўлишидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сиркани яхши кўрганлар ва уни мақтаганлар:

عَنْ أُمِّ سَعْدٍ قَالَتْ دَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ عَائِشَةَ وَأَنَا عِنْدَهَا فَقَالَ هَلْ مِنْ غَدَاءٍ قَالَتْ عِنْدَنَا خُبْزٌ وَتَمْرٌ وَخَلٌّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نِعَمَ الْإِدَامُ الْخَلُّ اللَّهُمَّ بَارِكْ فِي الْخَلِّ فَإِنَّهُ كَانَ إِدَامَ الْأَنْبِيَاءِ قَبْلِي وَلَمْ يَفْتَقِرْ بَيْتٌ فِيهِ خَلٌّ (رواه ابن ماجه).

Умму Саъд (розияллоҳу анҳо) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша (розияллоҳу анҳо)нинг олдиларига кирдилар. Мен у кишининг ҳузурларида эдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор егулик борми?” – дедилар. “Бизда нон, хурмо ва сирка бор”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сирка қандай ҳам яхши нонхуруш! Эй Аллоҳ, сиркага барака бер! Албатта, у мендан олдинги пайғамбарларнинг нонхурушидир. Сирка бор хонадонда фақирлик бўлмайди”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Мазкур ҳадиси шарифдан сиркаси бор хонадонда доим барака бўлиши англанади. Валлоҳу аълам биссаваб.

МУНДАРИЖА

<i>Имон боби</i>	3
<i>Силаи раҳм боби</i>	6
<i>Аллоҳга таваккул қилиш боби</i>	9
<i>Истиғфор боби</i>	13
<i>Истиғфорнинг фазилатлари</i>	15
<i>Истиғфорлар саййиди</i>	16
<i>Тонгда туришнинг фазилати</i>	18
<i>Дуо</i>	20
<i>Дуо ибодатдир</i>	22
<i>Дуо қилиш одоблари</i>	23
<i>Дуо қилишда шошилинмайди</i>	24
<i>Таомини, ичимлигини ва кийимини пок тутиш</i>	24
<i>Расулulloҳга салавот айтиш</i>	25
<i>Махфий дуо ҳақида</i>	26
<i>Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)-нинг ризқ ҳақида қилган дуолари</i>	27
<i>Пайғамбаримиз (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг Мадина учун қилган дуолари</i>	28
<i>Набий (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг ходимлари Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ҳақида қилган дуолари</i>	28
<i>Уйланиш дуоси</i>	30
<i>Қарзни қайтаргандаги дуо</i>	30
<i>Фақирликдан паноҳ сўраш дуоси</i>	31
<i>Иффатни сақлаш</i>	31
<i>Иффат қилиш ризқ калитларидан биридир</i>	32
<i>Аллоҳ таоло иффатлига ёрдам берур</i>	33
<i>Иффат ҳақидаги дуо</i>	33

<i>Бойликнинг чегараси</i>	<i>33</i>
<i>Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшидир</i>	<i>34</i>
<i>Узрсиз тиланиш ҳаромдир.....</i>	<i>35</i>
<i>Сўраш жоиз бўлган ҳолатлар</i>	<i>36</i>
<i>Ҳалол тижорат – ризқ калитларидан бири.....</i>	<i>36</i>
<i>Тақво қилиш.....</i>	<i>38</i>
<i>Ихлос</i>	<i>42</i>
<i>Шерикчилик қилиш.....</i>	<i>44</i>
<i>Инфоқ-эҳсон қилиш.....</i>	<i>45</i>
<i>Хайру эҳсон қилиш фазилати.....</i>	<i>46</i>
<i>Хайру эҳсон чегараси ҳақида.....</i>	<i>47</i>
<i>Инфоқ-эҳсон ризқ калитларидан биридир</i>	<i>48</i>
<i>Кимларга хайру эҳсон қилинади?.....</i>	<i>51</i>
<i>Зикр ҳақида.....</i>	<i>52</i>
<i>Ҳамд ва шукр – барака омили</i>	<i>55</i>
<i>Ҳамд айтишнинг фазилати</i>	<i>56</i>
<i>Дуони ҳамд билан бошлаш.....</i>	<i>60</i>
<i>Ҳамд жаннат йўлидан бир йўлдир.....</i>	<i>61</i>
<i>Ҳамд ризқ калитларидан биридир.....</i>	<i>61</i>
<i>Ҳамд ва шукр дуоларининг баъзилари.....</i>	<i>63</i>
<i>Таҳажжуддан кейинги дуо</i>	<i>63</i>
<i>Никоҳдаги барака</i>	<i>64</i>
<i>Никоҳ – пайғамбарлар суннатидир</i>	<i>66</i>
<i>Уйланишнинг фазилати.....</i>	<i>67</i>
<i>Келинлар қандай танланади?</i>	<i>68</i>
<i>Куёв қандай танланади?.....</i>	<i>69</i>
<i>Дини ҳақида</i>	<i>69</i>
<i>Никоҳ ҳам ризқ калитларидан биридир.....</i>	<i>70</i>
<i>Пайғамбаримизнинг никоҳ тўғрисида айтганлари</i>	<i>71</i>
<i>Рибо – бараканинг кушандаси</i>	<i>73</i>

Рибонинг йўллари	74
Рибохўрлар дунё ва охиратда азобдадир	75
Рибодан сақланиш ризқ калитларидан биридир	77
Садақа – бараканинг омили.....	78
Садақа – жаннат йўлларидан бири.....	79
Садақанинг фазилати.....	79
Садақанинг афзали.....	80
Аёл кишининг эрига қилган нафақаси садақадир	81
Зино баракани кетказди.....	82
Зино гуноҳи кабиралардан биридир.....	83
Бўйдоқлик ҳадди	84
Ҳаж баракотдир	85
Тижоратнинг баракаси.....	87
Закот ва барака.....	90
Закот ризқ калитидир	92
Закот	93
Закотнинг намоз билан ёнма-ён зикр этилиши.....	94
Закотнинг фазилати	94
Закот жаннат йўлидир	95
Закот молларни поклайди.....	95
Закотнинг турлари.....	96
Закот бериладиган ўринлар	97
Ўзини ибодатга бағишлаш	97
Ибодатнинг фазилати.....	98
Унутиб қўйиладиган баъзи ибодат турлари	101
Ибодатни бардавом қилиш фазилати.....	103
Илм олиш фазилати	104
От ва қўйлардаги барака	105
Сирка ва барака	107

Диний-маърифий нашр

Муҳаммад ибн Али ибн УСМОН

**РИЗҚ-НАСИБА
БАРАКОТИНИНГ
КАЛИТИ**

Мухаррир Жамшид ШОДИЕВ

Бадиий муҳаррир Равшан МАЛИКОВ

Сахифаловчилар: Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусахҳиҳа Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босишга 2019 йил 28 январда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 5,8. Шартли б. т.: 3,5. Адади: 2000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*

Тел: (0-371) 227-34-30

“Print Line Group” ХК босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 44-уй.